

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналишининг*  
давлат таълим стандарти

Расмий нашр

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА**

---

Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата *5230100 - Экономика (сельское хозяйство)*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5230100 - *Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)* бакалаврият таълим  
йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат аграр университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2014 йил « 10 » март даги \_\_\_\_\_ - сон буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир



## МУНДАРИЖА

t/p		бет
1	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари .....	1
2	Қўлланиш соҳаси .....	2
3	Атамалар, таърифлар, қисқартмалар .....	3
4	Таълим йўналишининг тавсифи .....	3
5	5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи .....	4
6	Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....	6
7	Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари .....	26
8	Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар .....	42
8.1.	Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар .....	42
8.2.	Таълим дастурларининг татбиқ этилиши .....	43
8.3.	Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари .....	43
8.4.	Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар .....	44
8.5.	Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари .....	44
8.6.	Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар .....	45
9	Бакалаврлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш .....	45
10	Эслатма .....	46
11	Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати .....	46
12	Илова .....	47
13	Библиографик маълумотлар.....	48
14	Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари .....	49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ****Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг  
давлат таълим стандартлари  
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти****5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) бакалаврият таълим  
йўналишининг давлат таълим стандарти****Государственные образовательные стандарты  
непрерывного образования Узбекистана  
Государственный образовательный стандарт высшего образования****Государственный образовательный стандарт направления образования  
бакалавриата 5230100 - Экономика (сельское хозяйство)****State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan  
State Educational Standard of Higher Education  
of Bachelor's degree course  
5230100 – Economics (agriculture)**

Амал қилиш муддати «27» 09 201 йилдан

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 201 йилгача  
*Термачилов***1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари**

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда куйидаги ҳужжатларга асосланildi:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 йил 29 август, №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, 1997 йил 29 август, №463-1.


3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий воозиқ-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.





8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрь «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

## 2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5230100 - *Иқтисодийёт (қишлоқ хўжалиги)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;



– таълим йўналишини ихтиёрли таллаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий туталланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, вовеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалаврият** - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиниш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

**бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури)** – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блоklarга жамланган рўйхати;

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи.

ДТС – давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

### 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1. 5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқиний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.



## Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

## 5. 5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

### 5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

**5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** - қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий салоҳият ва вазиятларни ўрганадиган таълим йўналиши бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва минтакаларда макро-микрониктисодий ривожланиш ва уни тартибга солиш механизми, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига ҳамда миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва йўналишлари мажмуасини камраб олади.

#### Бакалаврларнинг касбий фаолияти кўйидагиларни камраб олади:

- қишлоқ хўжалиги фаолиятини тадқиқ этиши ва унинг самарадорлигини баҳолаш;
- қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг бўлимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиши ва бошқариши;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалар фаолиятини тадқиқ этиши ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари бўлимларининг иқтисодий ривожланиш учун тавсиялар ҳақида қисқа муддатли башоратлар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар ва таклифларни институционал, иқтисодий ва ижтимоий концепцияларини ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиши ва бошқаришнинг илгор шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, мониторинг олиб бориш ва татбиқ этиши, илмий тадқиқотлар ўтказишида фаол қатнашиши каби касбий фаолият турларини бажариши;
- фермер хўжаликлари ва яқка тартибдаги дехқон хўжаликлари фаолиятини тадқиқ этиши, самарадорлигини баҳолаш ва уни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг фаолиятини тадқиқ этиши ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларни ривожлантириши бўйича тавсиялар бериш;
- Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини тадқиқ этиши, баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

### 5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари:

**5230100–Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолиятини объектлари–иқтисодиётнинг агросаноат мажмуаси соҳалари, агрофирмалар, фермер, дехқон ва ширкат хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий фаолият жараёнини, шунингдек, бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарни бошқариш ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини таъминлаш.

### 5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

- Илмий тадқиқот;



- *Ташкилий-бошқарув:*
- *Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш* кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **5.4. Касбий мослашув имкониятлари:**

**5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналишини тугатган бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус фанлардан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади.

#### **5.5. Касбий мослашув имкониятлари:**

**5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қуйидаги:

- 5A230101- Иқтисодий назария
- 5A230102- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- 5A230103- Макроиктисодиёт
- 5A230104- Микроиктисодиёт
- 5A230105- Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
- 5A230106- Эконометрика
- 5A230107- Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари
- 5A230108- Манаполияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш
- 5A230109- Иқтисодиётда математик методлар
- 5A230110- Мехнат иқтисодиёти магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

## **6. Бакалаврнинг таёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар**

**6.1. 5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг таёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

### **а) умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётний нуқтан назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурати тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;



– тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

**б) касбий талаблар:**

**Илмий тадқиқот фаолиятида**

**Бакалавр:**

– қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашади;

– қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганади;

– мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга оширади;

– интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади;

– илмий тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш жараёнларида қатнашади.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида**

**Бакалавр:**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва молиявий ресурсларни режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, мониторинг қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш;

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

**Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

**Бакалавр:**

– қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва молиявий ресурсларни режалаштириш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари билан инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш;

– тармоқда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш;

– амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;



- ishlab chikarish va xizmat kўrsatish korxonalarini rivojlantirishning istiqbolli rivojlantirish strategiyalarini ishlab chikish.

## 6.2 Ta'lim dasturlari bўyicha bilim, mалака va kўnikmalarга kўyiladigan талаblar

### 6.2.1. Gumanitar va iqtisodiy-fanlar bўyicha талаblar

*Gumanitar va iqtisodiy-fanlar* bloki bўyicha талаblar Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус та'лим вазирлиги томонидан тасдиқланган «*Gumanitar va iqtisodiy-fanlar*» bloki bўyicha бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий bilimlar mazmuniga kўyilgan талаblar» asosida belgilanadi.

### 6.2.2. Matematik va tabiiy-ilmiy fanlar bўyicha талаblar:

#### 6.2.2.1. Олий математика fani bўyicha

##### Бакалавр:

- matematika usullari olamni idrok etishda asosiy ekanligi;
- matematik tushunchalari umumiyligi haqida;
- matematik modellashtirish;
- matematik model, chizikli regressiya tenglamalari, bashorat qiliش usullari, trend tushunchasi;
- iqtisodiy jarayonlarning matematik modellari e'ramida ularni prognoz qiliش;
- ehtimollar nazariyasi asosiy tushunchalari: tasodifiy hodisa, ular ustida amallar, hodisalar uchun asosiy munosabatlar;
- shartli ehtimol, t'ula ehtimol va Bayes formulalari haqida tushunchalar;
- matematik analiz, funktsional analiz, chizikli algebra va matematikaning boshqa asosiy tushunlari;
- diskret va uzluksiz tasodifiy miqdorlar, ularning taksimot va zichlik funktsiyalari *haqida tasavvurga ega b'ulishi*;
- analitik geometriya, oлий va chizikli algebra, matematik analiz, differentsial tenglamalar, katorlar haqidaги nazariyalar va formulalarni;
- matematik belgilar va oddiy tizimlar e'ramida jarayonlarni matematik modellashtirishni;
- muayyan jarayon uchun ehtimolli modellar kurish, kurilgan modellar doirasida hisoblar olib borishni;
- funktsional va hisoblash topshirigini echish modelini;
- ehtimollar nazariyasining aksiomalari va ulardan kelib chikadigan xulosalarni;
- asosiy diskret taksimot konunlari (binomial, geometrik, Puasson)ni;
- eng muhim zichlik funktsiyalari (tekis taksimlangan, k'rsatkichli va normal), bu zichlik funktsiyalari e'ramida iqtisodiy masalalarni taxlid etishni;
- nuqtaviy ba'olash (siljimagalik, asosilik, effektivlik)ni;
- eng yaxshi ba'olash usullari (momentlar usuli, haqiqatga eng yakin ba'olash usuli, eng kichik kvadratlar usuli)ni *bilishi va ulardan foydalana olishi*;
- ob'ektlar miqdoriy va sifat munosabatlarini ifodalash uchun matematik simbollardan foydalaniш;
- eksport ma'lumotlarini ishlab chikishning asosiy usul va y'uriqlaridan foydalaniш;
- olingan natijalarning foydalaniш chegarasini ba'olab va ularni ierarxik tuzilishini hisobga olib modellarni tadqiq etish;
- ikkinchi tartibli chiziq va sirtlar tenglamalarini sodda shakliga keltirish va parametrlaridan foydalaniш;
- algebraik tenglamalarni analitik va takribiy echish;
- tenglamalar tizimini analitik va takribiy echish;
- bir va k'p uzgaruvchilar funktsiyalar uchun differentsiallash, integraldash;



- ихтиёрий тартибли дифференциал тенламаларни аналитик ва тақрибий ечишни тадқиқ этиш;
  - иқтисодий жараёнларни моделини тузишда кўп ўлчовли регрессия моделидан фойдаланиш;
  - таъланма тақсимот қонунининг номаълум параметри жойлашган оралиқларини топиш;
  - таъланма тақсимот қонуни ҳақидаги статистик гипотезаларни текшириш
- кўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.2.2. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар фани бўйича

##### Бакалавр:

- асосий иқтисодий қонунлар ва қонуниятлар;
- иқтисодий тизимлар ва жараёнлар мураккаблиги;
- ижтимоий-иқтисодий тизимларни тасвирлаш усуллари;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг асосий кўрсаткичлари;
- оптималлаштириш, баланс, динамик дастурлаш, турли моделлаштириш, ўйинлар назарияси усуллари;
- микро ва макро жараёнлар таҳлилида қўлланиладиган математик усуллар ва моделлар;
- ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурсларнинг чегараланганлиги ва ноёблиги;
- математик моделлаштириш тамойиллари;
- оптимал қарор қабул қилиш усуллари;
- корхона ва фирмалар фаолияти кўрсаткичларини компьютер технологиялари асосида моделлаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- иқтисодий қонунлар ва қонуниятларнинг амал қилиш механизмини;
- мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойилларини;
- ижтимоий-иқтисодий тизимларни тасвирлаш усулларини;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг асосий кўрсаткичларини;
- микро ва макро жараёнлар таҳлилида қўлланиладиган математик усуллар ва моделларни;
- ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурсларнинг чегараланганлиги ва ноёблигини;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилида оптималлаштириш моделларидан фойдаланишни;
- ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида оптимал қарор қабул қилиш усулларини;
- миллий иқтисодиёт субъектлари фаолияти кўрсаткичларини компьютер технологиялари асосида моделлаштиришни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш;
- ижтимоий-иқтисодий тизимларни тасвирлашда математик усуллардан фойдаланиш;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг асосий кўрсаткичлари асосида иқтисодий-математик моделлар тузиш ва уларни баҳолаш;
- микро ва макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлилида иқтисодий-математик моделлаштириш воситаларидан фойдаланиш;
- чегараланган ресурсларни оптимал тақсимлаш усуллари ва моделларидан фойдаланиш;
- истеъмолчининг хатти-ҳаракатини моделлаштириш;
- ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида оптимал қарор қабул қилиш;
- иқтисодий ривожланишнинг сценарийли моделларини тузиш;



– махсус амалий дастурлар пакетлари ва компьютер технологиялари асосида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.2.3. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

#### Бакалавр:

- ахборот ва маълумот тушунчалари;
- ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш жараёнлари;
- ахборот инфратизими;
- ахборотлаштириш концепцияси ва унинг вазифалари;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастури ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини иқтисодиётга татбиқ этиш тўғрисидаги қонунлари;
- юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда фanning аҳамияти;
- ахборотлашган жамият ва ундаги замонавий ахборотлаштириш жараёнлари;
- ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган ахборот технологиялари;
- бошқарувда ахборот технологияларининг қўлланилиши;
- замонавий техник воситалар, операцион тизимлар ва инструментал воситаларидан фойдаланиш усуллари, матн ва жадвал ахборотларни қайта ишлаш дастурлар, маълумотлар базаси ва объектга мўлжалланган дастурлаш тиллари, ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштириш тамойиллари ва услублари;
- маълумотлар базаси ҳақида тушунча ва унга қўйиладиган талаблар;
- автоматлаштирилган иш жойлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари;
- турли иқтисодиёт тармоқларининг ахборот тизимлари таснифи ва уларда қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар;
- ахборотни ҳимоялашга талаб ва зарурати;
- АКТнинг ривожланиш тенденциялари, ривожланиш йўналишлари ва уларнинг тавсифи *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- техник воситаларни;
- операцион тизимларини ва уларнинг имкониятларини, дастурий маҳсулотлар ривожланишининг асосий тенденцияларини;
- дастурлаш тиллари, локал ҳисоблаш тармоқлари ва Интернет тармоғи функционал имкониятларини;
- замонавий амалий дастурий таъминотини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- ахборотни қайта ишлаш техник ва дастурий воситаларини қўллай олиш;
- замонавий операцион тизимларидан фойдаланиш;
- файл, папка ва ойналар билан ишлаш;
- алгоритмлаш асосларини ҳамда чизикли, тармоқли ва такрорий ҳисоблаш жараёнларини ташкиллаштириш тамойилларини билиш;
- маълум бир дастурлаш тилида турли иқтисодий жараёнлар дастурларини ярата олиш;
- матнли ахборотни қайта ишлаш процессори ва электрон жадваллардан фойдаланишни билиш;
- маълумотлар базалари ва банклари ҳақида тушунча эга бўлиш;
- Internet ва локал тармоқларида самарали ишлаш олиш;
- турли иқтисодиёт тармоқлари ахборот тизимлари таснифи ва унда қўлланиладиган дастурий маҳсулотлардан фойдалана олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.2.4. Иқтисодий география ва экология фани бўйича

#### Бакалавр:

- “Иқтисодий география ва экология” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари;



- фаннинг илмий концепциялари, тадқиқот услублари, назарий ва амалий йўналишлари;
  - Ўзбекистоннинг иқтисодий-географик ўрни, майдони ва чегаралари;
  - ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш ва ривожланишидаги халқаро, миллий, минтақавий хусусиятлари;
  - урбанизация жараёнлари ва унинг аҳоли концентрациясига таъсири;
  - суғориладиган текислик, чўл, яйлов, шаҳар атрофи минтақалари, кишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари;
  - экологик вазият ва унинг шаклланишидаги халқаро, минтақавий ва миллий жиҳатлари;
  - экологик вазият ёмонлашувининг ижтимоий жиҳатлари;
  - глобал геоэкологик муаммоларнинг кишлоқ жамиятига таъсири **хақида тасаввурга эга бўлиши;**
  - дунё хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсиротида оид маълумотларни;
  - инсониятнинг истиқбол тараққиётида дунё ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини;
  - иқтисодий районлаштириш тамойилларини;
  - мамлакат табиий ресурслари таснифи ва таъминланганлик даражасини;
  - табиий ва механик ҳаракатнинг аҳоли сонига таъсирини;
  - мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ ва ҳудудий таркибини;
  - табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини;
  - ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни иқтисодий механизмларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
  - дунё мамлакатлари бўйича ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги ўзига хосликларни аниқлаш;
  - халқаро муносабатлар ва дунёнинг замонавий иқтисодий харитаси билан ишлаш;
  - ер ва сув захираларидан фойдаланишни минтақавий таҳлил қилиш;
  - аҳолининг таркиби ва ундаги ўзгаришларни баҳолаш;
  - Ўзбекистонда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг тараққиётига баҳо бериш;
  - Ўзбекистонда экологик вазиятни таҳлил қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**
- 6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар:**
- 6.2.3.1. Иқтисодий таълимотлар тарихи фани бўйича**
- Бакалавр:**
- "Иқтисодий таълимотлар тарихи" фанининг предмети ва ўрганиш усули;
  - иқтисодий йўналиш ва мактабларининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари;
  - иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари;
  - турли даврлар ва жамиятларда пайдо бўлган иқтисодий фикрлар ва таълимотларнинг мамлакат ривожига таъсири **хақида тасаввурга эга бўлиши;**
  - иқтисодий таҳлилнинг асосий қондалари ва муаммоларини ажрата олишни;
  - турли иқтисодий мактаб ва йўналишлар вакиллари томонидан иқтисодий фикр ва ғояларнинг талқин этилиши эволюциясини кузатишни;
  - иқтисодий назария ва хўжалик амалиётининг ўзгаришидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб беришни;
  - иқтисодий тараққиётга олиб келган ғоялар ва иқтисодий сиёсатнинг мазмунини, иқтисодий ривожланишнинг юксалиш ва суётлашув сабабларини;
  - жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий ғояларни;



– Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш даври концепциясини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– турли иқтисодий концепциялар ва уларнинг хулосаларини методологик таҳлил қилиш;

– турлича иқтисодий назарияларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажрата олиш ва улардан иқтисодий сиёсатни шакллантиришда фойдалана олиш;

– иқтисодий таълимотларнинг ривожланишидаги ўрганилаётган қонуниятлар негизида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва муаммоли ҳолатларни мустақил равишда баҳолаш;

– иқтисодий ислоҳотларни назарий жиҳатдан асослаш ҳамда амалга оширишнинг хорижий ва мамлакатимиздаги тажрибалари натижаларини баҳолаш;

– турли даврдаги иқтисодий ғояларни умумлаштириш ва таҳлил этиш, улардан илмий-амалий хулосалар чиқариш ва таклифлар бера олиш *қўникмаларига эга бўлишлари керак.*

### 6.2.3.2. Иқтисодиёт назарияси (давоми) фани бўйича

#### Бакалавр:

- миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари;
- ялпи ички маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари;
- ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши;
- истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар;
- жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик ва кейнсча моделлари;
- иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокейнсча моделлари;
- миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари;
- иқтисодий мувозанат даражасини аниқлаш усуллари;
- меҳнат ресурслари, уларнинг бандлиги ва ишсизлик;
- молия тизими ва молиявий сиёсат;
- пул-кредит тизими, уни давлат томонидан тартибга солиш;
- бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли;
- аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати;
- жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси;
- халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар;
- халқаро савдо тўғрисидаги турли хил назариялар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- ЯИМни ҳисоблашга турлича ёндашувларни;
- ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгаришини;
- истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омилларни;
- жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик ва кейнсча моделларини;
- иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокейнсча моделларини;
- иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш йўналишларини;
- иқтисодий мувозанат даражасини аниқлаш усулларини;
- бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари, уларнинг иқтисодиётга таъсирини;
- инфляция ва унинг олдини олиш усулларини;
- давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усулларини;
- даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлашни;
- халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишларини;
- халқаро савдо тўғрисидаги турли назарияларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;



– ЯИМ ҳажмини ҳисоблаш ҳамда унинг таркибидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини баҳолаш;

– ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатнинг ўзгаришини таҳлил қилиш;

– классик, кейнсча ва неокейнсча моделлар ёрдамида иқтисодий ўсиш, жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанат ва бошқа жараёнларни таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш;

– иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариш;

– классик, монетаристик, кейнсча назариялар асосида иқтисодиётни тартибга солиш даражаси ва усуллариغا баҳо бериш;

– жаҳон хўжалиги тараққиётидаги замонавий тенденцияларни кузатиш ва улар тўғрисида назарий хулосалар чиқариш *кўникмаларига эга бўлишлари керак.*

### 6.2.3.3. Микроиқтисодиёт фани бўйича

#### Бакалавр:

– микроиқтисодиёт фани предмети, вазифалари, тадқиқот услублари;

– фanning базис тушунчалари;

– ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси;

– бозор иқтисодиёти тамойиллари;

– талаб ва таклиф, бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– бозор иқтисодиётида истеъмолчи танлови ва унга таъсир этувчи омилларни;

– эластиклик ёрдамида сотувчи даромадини таҳлил этишини ҳамда солиқ юқини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимлаш масаласини;

– истеъмолчи танлови масаласини;

– “Даромад” самараси ва “Алмаштириш” самарасини;

– ишлаб чиқариш назарияси ва функциясини;

– чекли унумдорликнинг камайиш қонунини;

– ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни;

– фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий асосларини;

– ишлаб чиқариш харажатлари ва фирма фойдасини максималлаштириш шартларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– ноаниклик шароитида қарор қабул қилиш;

– таваккалчилик ва уни пасайтириш;

– корхоналарда максимал фойдага эришиш нуктасини аниқлаш;

– талаб ва таклиф эластиклигини ҳисоблаш;

– рақобатлашган бозор шароитида нархни белгилаш;

– нархлар диверсификациясидан фойдаланиш;

– умумий, ўзгарувчан, ўзгармас, чекли харажатларни ҳисоблаш, умумий ва чекли фойдани ҳисоблаш;

– рақобатлашган монополия, олигополия ва соф монополия шароитида фойдани максималлаштириш;

– меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозорини таҳлил қилиш;

– капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.4. Макроиқтисодиёт фани бўйича

#### Бакалавр:

– макроиқтисодиёт фанининг объекти, предмети ҳамда макроиқтисодий агентлар;

– макроиқтисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш шартлари;

– асосий макроиқтисодий моделлар ва уларда иқтисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиқтисодий сиёсат натижаларини аке эттириш;



– товар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанатга эришиш механизмининг моҳияти;

– пулга талаб, пул таклифи ва пул бозорида мувозанатга таъсир этувчи омиллари;

– бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатининг мақсадлари, воситалари ҳамда кўринишлари;

– иқтисодий ўсишнинг моҳияти, ўлчаниши, омиллари ва моделлари;

– ташқи савдо сиёсатининг назарий асослари ва воситалари;

– мамлакат тўлов балансининг тузилиши, макроиктисодий аҳамияти ва уни тартибга солиш усуллари;

– валюта курсининг моҳияти, макроиктисодий аҳамияти, уни белгиловчи омиллар ва барқарорлигини таъминлаш шартлари;

– очик иқтисодиётда макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда макроиктисодий моделларни қўллашни;

– макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишни;

– макроиктисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо беришни;

– макроиктисодий сиёсатнинг натижаларини прогноз қилишни *билиши ва улардан*

*фойдалана олиши;*

– макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;

– асосий макроиктисодий моделларнинг ўзгарувчиларини аниқлаш ва тенгламаларини тузиш;

– товарлар ва хизматлар бозорида қисқа ва узоқ муддатли мувозанатни таъминлаш механизмини тушунтириб бериш;

– пул бозорида мувозанат юзага келишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

– макроиктисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнлар ва алоҳида кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши қонуниятларини аниқлаш;

– турли макроиктисодий вазиятларда бюджет-солиқ ёки пул-кредит сиёсатини қўллаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш шартларини тушунтириб бериш;

– ташқи савдо сиёсати ва валюта курсини тартибга солиш орқали тўлов баланси ҳолатига, ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмларига таъсир кўрсатиш усуллари тавсифлаб бериш;

– очик иқтисодиёт шароитида макроиктисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиктисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий ва жаҳон иқтисодиёти даражасида бозор механизми қандай амал қилишини изоҳлаб бериш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### **6.2.3.5. Минтақавий иқтисодиёт фани бўйича**

#### **Бакалавр:**

– минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети, мақсади ва вазифалари;

– фаннинг асосий тушунчалари ва уларнинг моҳияти;

– миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ривожланиш ва таркибий тузилишига таъсир этадиган омиллар;

– ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари ва уларни гуруҳлаштириш;

– табиий ва иқтисодий салоҳият тушунчалари ҳамда уларнинг мазмун, моҳияти;

– Давлат ҳокимияти ва унинг ваколатларини турли поғоналар ўртасида тақсимлаш тамойиллари;

– минтақа молиявий маблағлари ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари;

– маҳаллий бюджетнинг тушумлари ва харажатлари;

– ҳудудий бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва тамойиллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*



- минтакавий иқтисодиёт фанининг назарий асослари ва талқинот усуллари;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ва шакллари;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг табиий-тарихий, ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари;
- меҳнат тақсироти, халқаро иқтисодий интеграция, халқаро иқтисодий бирлашмалар ва трансмиллий корпорацияларнинг ҳудудий иқтисодиётдаги роли;
- ҳудудий ривожланишнинг янги парадигма ва концепциялари;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ундаги жараёнларни моделлаштириш;
- ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблашнинг жаҳон тажрибаси;
- минтақа иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари;
- ишлаб чиқариш, минерал хомашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларини баҳолаш усуллари;
- ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳудудий таркиби ва уни жойлаштириш хусусиятлари;
- ҳудудий бошқарув механизми ва ташкилий тузилишини такомиллаштириш;
- минтакавий ривожланишни тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- минтақа иқтисодиёти бўйича хорижий илмий мактабларнинг назарий қарашлари;
- ҳудудий иқтисослашув ва минтақалараро савдо назариялари;
- мутлақ ва нисбий афзалликлар ва Хекшер-Олин назариялари;
- қишлоқ хўжалиги, саноат штандорти, марказий жойлар ва ўсиш қутблари назариялари;
- иқтисодий районлаштириш ва ҳудудий комплекслар ташкил этиш назарияси;
- ялпи ҳудудий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот тушунчалари ҳамда уларни ҳисоблаш;
- ҳудудий-ташкилий иқтисодий тизимларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- ҳудудий бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва тамойиллари;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг усул ва дастаклари;
- ҳудудий бюджетдан ташқари фондлар, ҳудудий ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ҳудудларнинг молиявий ресурслари;
- минтақаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### 6.2.3.6. Статистика фани бўйича

##### Бакалавр:

- статистиканинг предмети ва ўзига хос хусусиятлари;
- ҳозирги Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси ва халқаро статистикани ташкил этилиши;
- статистик қузатишнинг моҳияти ва аҳамияти;
- гуруҳлаш вазифалари, турлари ва белгилари;
- мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар;
- статистик жадваллар ва графиклар;
- ўртача миқдор турлари ва шакллари;
- квадрат ва куб ўртача миқдорлар ҳамда улардан амалиётда фойдаланиш;
- вариация кўрсаткичлари ва статистика амалиётида улардан фойдаланиш;
- танланма қузатиш, унинг мазмуни, қўлланиш сабаблари ва афзалликлари;
- жуфт корреляция;
- детерминация коэффициентлари ва унинг талқини;



- динамика қаторларининг турлари, таҳлил қилиш кўрсаткичлари;
- динамика қаторлари маълумотлари асосида статистик прогнозлаш;
- иқтисодий индексларнинг моҳияти, аҳамияти ва роли;
- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий индекслар;
- аҳоли турмуш даражаси ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар;
- миллий ҳисоблар тизимининг моҳияти, аҳамияти ва функциялари *ҳақида*

**тасаввурга эга бўлиши;**

- ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, уларнинг муҳим белгиларини;
- статистика услубиятини;
- статистик маълумотлар ва уларни гуруҳлаш, унинг мазмуни, аҳамияти ҳамда вазифаларини;

- статистик кўрсаткичларни таҳлил қилишни;
- нисбий ва мутлақ кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аке эттириш шаклларини;
- статистик маълумотларни жадвал ва графикларда тасвирлашни;
- ўртача миқдор ва уларнинг шаклларини;
- даражали ўртача миқдорларни;
- ассиметрия коэффиценти ва уни аниқлаш тартибини;
- танланма кузатишда репрезентативликни таъминловчи танлаш усулларини;
- жуфт регрессия тенгламасини тузиш тартибини;
- динамика қаторларда қатор ўртача даражаларини ҳамда таҳлил қилиш

**кўрсаткичларини ҳисоблашни;**

- динамика қаторлари даражаларини интерполяциялаш ва экстраполяциялашни;
- истеъмол нархлари индексини тузиш тартибини;
- аҳоли турмуш даражаси ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни;
- миллий ҳисоб-китоблар тизими асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва статистик баҳолашни;
- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда макроиқтисодий моделларни қўллашни;
- макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишни;
- макроиқтисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо беришни;
- макроиқтисодий сиёсатнинг натижаларини прогноз қилишни *билиши ва улардан*

**фойдалана олиши;**

- статистик усуллар ёрдамида статистик тадқиқотлар олиб бориш;
- махсус уюштирилган статистик кузатишлар ва рўйхатлар ўтказиш;
- статистик кўрсаткичларни статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни талқин қилиш;
- амалиётда корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланиш;
- динамика қаторларида асрий тенденциялар, мавсумий ва конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисоблаш;

- статистика амалиётида иқтисодий индексларни ҳисоблаш ва уларни талқин қилиш;
- ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисоблаш;
- миллий ҳисоб-китоблар тизимининг асосий категориялари ва тушунчаларидан статистика амалиётида фойдаланиш;

- аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш

**қўникмаларга эга бўлиши керак.**

**6.2.3.7. Меҳнат иқтисодиёти фани бўйича**

**Бакалавр:**

- меҳнатнинг намоён бўлиш шакллари ва функциялари;
- иш жойини ташкил этиш ва унга қўйиладиган асосий талаблар;
- меҳнат ресурсларининг шаклланиши;



- mehnat bozorining shakllanish va rivojlanish qonuniyatlari;
- mehnat bozorini taхlil qilishning iqtisodiy-matematik modelларini tatbiқ etish usullari va axborot manbalari;
- aҳoliniнг ish bilan bandlik konsepsiyasi;
- korxonada meхnatni tashkil qilinganlik holatini baҳolash kўrsatkichlari;
- ish хakini tashkil etishning asosiy элементlari;
- meхnat unumdorligini oshirish omillari va zaхiralari;
- ходimlarni ijtimoiy muhofaza qilish omillari va meханизmlari **хақида тасаввурга эга бўлиши;**

- aҳolini ish bilan bandligini tartibга солиш meханизmlарini;
- meхnat resurslari balansini tuziш va ishга joylashishга muхtoж шахslar sonini aniklash uslubiyatini;
- meхnat bozorida талаb va taklifni istiqbolлаштириши;
- ish ваkти balansi kўrsatkichларini hisobлашni;
- meхnat unumdorligini hisobлаш usullарini;
- korxonadaги meхnat шарoитlari bilan bogliқ ish ваkти йўқoтишларini aniklash usullарini **билиши va ulardan foydalana олиши;**

- meхnat bozori kon'юктurasini va uning ishlash meханизmini aniklash;
- aҳoliniнг ish bilan bandlik samaradorligini monitoringini amalга oshirish;
- meхnatга ҳaқ tўлаш uchun ажратилган маблағlardan foydalаниш samaradorligini hisobлаш;

- asosiy ish natijalari uchun raғbatlantirish tizimларini ishlab чиқиш va ularning samaradorligini aniklash;

- ish ваkти fondini tuziш va undan foydalанишни iqtisodiy taхlil qilish;
- meхnat шарoiti va uning holatini belgilovchi iqtisodiy, ijtimoiy va tashkiliy tadbiqlar samaradorligini aniklash **kўnikmalarga эга бўлиши керак;**

### **6.2.3.8. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани бўйича Бакалавр:**

- жаҳон иқтисодиёти тизими, тармоқ тузилиши;
- жаҳон хўжалиги тизими ривожланишининг asosiy қonuniyatlari, тенденциялари va замонавий хусусияtlari;
- жаҳон мамлакатларининг гуруҳларга таснифланиши va ularning ijtimoiy-iqtisodiy тавсифлари;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг asosiy shakllari va замонавий хусусияtlari;
- жаҳон хўжалигининг глобал муаммолари;
- жаҳон иқтисоди va халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида Ўзбекистоннинг ўрни **хақида тасаввурга эга бўлиши;**

- жаҳон хўжалиги va халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишиni tashkilлаштириш va ularning sifatini баҳолашni;

- кузатишлар natijasida olingan маълумотларни tizimлаш va қайта ishлашni;
- маълумотларни қайта ishлаш natijalарini умумлаштириш va taхlil qilish usullарini **билиши va ulardan foydalana олиши;**

- жаҳон иқтисодий ўсиши va ривожланишининг asosiy kўrsatkichларini hisobлаш va taхlil qilish;

- жаҳон иқтисодиёти va халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияларini aniklash;

- хорижий мамлакатларнинг asosiy иқтисодий kўrsatkichларini taхlil qilish asosida ularning ривожланиш даражасini aniklash;

- халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳамкорликнинг энг оқилона услуб va кўринишларini aniklash **kўnikmalarига эга бўлиши керак.**



**6.2.3.9. Менежмент фани бўйича****Бакалавр:**

- менежментнинг назарий асослари;
- менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари;
- менежментнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари;
- менежментнинг илмий мактаблари;
- Ўзбекистонда бошқарувнинг ривожланиши;
- менежментнинг хорижий моделлари;
- бошқарув ва менежмент;
- менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари;
- меҳнатни бошқаришнинг ҳунармандчилик, технократик, инновацион усуллари;
- бошқарувнинг моҳияти ва тизими;
- менежернинг услуги ва имиджи;
- ишга доир этика ва этикет *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- бошқарув меҳнатининг таърифи, хусусиятлари, турларини;
- бошқарув меҳнатини илмий ташкил этишни;
- раҳбар ўзини-ўзи бошқаришини;
- менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишни;
- меҳнат жамоаларида ходимларни бошқаришни;
- жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичларини;
- ходимларга таъсир ўтказиш ва уларни бошқаришни;
- низоларни ҳал этиш йўлларини;
- ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифини;
- ташкилий тузилмаларнинг турларини;
- ташкилотларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларини;
- ташкилотларнинг янги турларини;
- ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденцияларни *билиши ва улардан*

**фойдалана олиши;**

- бошқарув усулларида фойдаланиш;
- менежмент технологиясини ташкил этиш;
- бошқарув жараёни ва вазифаларини белгилаш;
- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, мувофиқлаштириш;
- бошқарувда ахборотлар ва коммуникациялардан фойдаланиш;
- ташкилотларнинг ички ва ташқи муҳитини таҳлил қилиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ташкилий ўзгаришларни бошқариш;
- корхона салоҳиятини бошқариш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.3.10. Маркетинг фани бўйича****Бакалавр:**

- маркетинг концепцияси, тамойиллари, функциялари ва вазифалари;
- корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиш тизими;
- маркетинг комплекси, маркетинг фаолиятини режалаштириш;
- маркетинг хизматларини ташкил этиш;
- маркетингнинг ички ва ташқи муҳити;
- бозор конъюнктураси ва бозор сифими;
- товар, нарх, сотиш ва коммуникация *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- мамлакатимизда ва хорижда маркетинг ривожланишининг замонавий тенденцияларини;
- маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш усулларини;
- корхонада маркетингни ташкил қилиш шаклларини;

- маркетингнинг асосий тамойилларини;
- янги товар ишлаб чиқиш ва бозорга чиқариш усулларини;
- корхонада рақобат муҳитини шакллантиришни;
- маркетинг соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни;
- истеъмолчилар хулқ-атворини таҳлил қилишни;
- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш усулларини;
- бозорни сегментлаш ва харидор турларини аниқлашни;
- талаб, таклиф ва бозор ҳажминини аниқлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- замонавий маркетинг концепцияларини татбиқ этиш;
- маркетинг хизматларини ташкил этиш;
- маркетинг режасини ишлаб чиқиш;
- бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш;
- товар сиёсатини самарали бошқариш;
- товар рақобатбардошлигини ошириш;
- янги товарларга нарх белгилаш;
- маркетинг коммуникацияси элементларидан фойдаланиш;
- реклама самарадорлигини аниқлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

### 6.2.3.11. Пул, кредит ва банклар фақи бўйича

#### Бакалавр:

- пул тушунчаси, унинг асосий хусусиятлари, такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни;
- пулнинг функцияларини, пул муомаласи қонуни;
- кредит моҳияти, унинг замонавий кўринишлари;
- кредит пуллари ва унинг замонавий шакллари;
- пул агрегатлари;
- пул ва кредит назарияларининг узвий кетма-кетлиги;
- бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит тизими фаолияти, унинг иқтисодиётга таъсири, молия бозоридаги ва уларнинг таркибий тузилиши;
- қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар тури ва уларнинг замонавий шароитидаги турлари;
- Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизими ва унинг таркибий тузилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- замонавий пул-кредит ва банк тизимини келиб чиқиш тарихи ҳамда ривожланиш босқичларини;
- кредит ва банк тизими функцияларини;
- пул-кредит воситаларини;
- Марказий банк ва тижорат банкларининг вазифаларини;
- пул-молия бозорлари, валюта бозорлари амалий фаолияти тўғрисида, ссуда бозорлари, ссуда капитали ҳаракатини, цинар ва экспорт операцияларини молиялаштиришни, қимматли қоғозлар портфелини бошқариш, инфляция жараёни ва унга қарши чора-тадбирлар тўғрисида билим олиш мақсадида замонавий иқтисодий ҳамда банк тизими маълумотларини тўплаш манбаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- пул-кредит назарияси, пул ислохотлари, пул эмиссияси ва уни бошқариш йўллари, дунё мамлакатлари пул-кредит ва банк тизимларидаги ўзгаришлардан фойдаланиш;
- халқаро ва молиявий банк тизимлари операциялари ҳамда уларни мамлакат иқтисодиётига таъсирини аниқлаш;
- пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари, капитал бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил этиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*



**6.2.3.12. Бухгалтерия ҳисоби****Бакалавр:**

- Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб тизими;
- бухгалтерия ҳисобининг предмети, объекти ва вазифалари;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобни ташкил қилиш асослари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва хўжалик жараёнлари;
- бухгалтерия ҳисоби усуллари;
- молиявий ҳисобот ва ундан фойдаланувчилар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юртишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тамойилларини;
- Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунини;
- Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартларини;
- “Маҳсулот (иш,хизмат) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- хўжалик юритувчи субъектлар ативлари ва пассивлари ҳисобини юритиш;
- харажатлар таркиби ва маҳсулот таннархини аниқлаш;
- фойда ва зарарлар ҳисобини чиқариш;
- хусусий капитал ва мажбуриятлар ҳисобини олиб бориш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижасини аниқлаш ва ҳисобини юритиш;
- молиявий ҳисобот маълумотларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.3.13. “Иқтисодий таҳлил ва аудит” фани бўйича****Бакалавр:**

- хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш;
- субъектнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига комплекс баҳо бериш ва аудиторлик текширувига тайёрлаш;
- электрон ҳисоблаш машиналари (компьютер воситалари)нинг таҳлил ва аудит жараёнида қўллаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- турли мулкчилик шаклида иқтисодиёт субъектларини тўғри бошқаришда иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ролин;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий тамойиллари (принциплари)ни;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий вазифаларини;
- иқтисодий таҳлил ва аудитнинг усулларини;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилишни;
- иқтисодий таҳлил ва аудитда фойдаланиладиган ахборот манбаларини;
- хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва аудит усулларини;
- автоматик бошқариш тизимида комплекс иқтисодий таҳлилни ташкил қилишни шакл ва усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- иқтисодий таҳлил ва аудит жараёнида зарур бўладиган манбалар ҳажминини аниқлаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш, таҳлил ва аудитга мослаштириш;
- таҳлил ва аудит натижаларини умумлаштириш ҳамда расмийлаштириш;



- таҳлил ва аудит натижалари бўйича ҳисобот ва хулоса тайёрлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.14. Молня фани бўйича

##### Бакалавр:

- молня ва солиққа онд муносабатлар юзага келишига доир назарий ва илмий қарашлар;

- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари;

- солиқ тизими, бюджет тизимининг мазмуни ва уларнинг ҳуқуқий асослари;

- давлат бюджети даромадлари манбалари ва харажатлари тузилиши;

- Ўзбекистонда солиқларнинг бюджетга ундирилиши ва уларнинг тақсимланиш жараёнлари;

- халқаро солиққа тортиш ва молиявий муносабатларнинг ташкил этилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- солиққа тортиш тамойиллари ва элементларини;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблай олиши ва уларни бюджетга ўтказиш тартибларини;

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар лойиҳасини тузиш, тасдиқлатиш ва молиялаштириш тартибларини;

- турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш механизмларини;

- солиқ ва молия тизимида амалиётда қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ва махсус компьютер дастурларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- солиқ тўловлари ва бюджет харажатларини тақсимлаш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар, статистика, солиқ ва молия органлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш;

- марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш ҳамда молиявий назорат килиш;

- Ўзбекистонда солиқ, бюджет ҳамда монетар сиёсатнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш;

- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслар шаклланиши, тақсимланиши ва уларда солиқ-бюджет назоратини ўтказиш;

- давлатнинг иқтисодиёт субъектлари фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш ва молиявий соғломлаштириш юзасидан тадбирларини йўлга қўйиш;

- бюджет-солиқ сиёсатининг истикболларини белгилаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.3.15. Инвестицияларни баҳолаш фани бўйича

##### Бакалавр:

- инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти;

- инвестицияларни баҳолашнинг назарий ва услубий асослари;

- инвестицияларни жалб этиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари;

- инвестиция турлари ва уларнинг моҳияти;

- инвестицияларни жалб қилиш манбалари;

- инвестицияларга доир Ўзбекистон Республикаси ва халқаро қонунчилик;

- Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати;

- давлат инвестиция дастурларини баҳолаш ва бошқариш;

- инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- инвестиция жараёнларини ривожлантириш моделларини;

- инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашни;

- инвестициялардан кутилаётган даромадни аниқлашни;



- инвестиция муносабатлари катнашчиларининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлашни;
- инвестиция муҳити ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолашни;
- эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишни;
- инвестицияларни баҳолаш ва бошқариш стратегияларини;
- инвестицияларни баҳолашнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасини;
- корхоналарнинг инвестиция муҳити жозибадорлик даражасини аниқлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- мамлакат иқтисодиётига инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- инвестицияларни бошқаришдаги таваккалчиликни баҳолаш;
- бевосита ва портфель инвестицияларни жалб этиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- лизинг ва франчайзинг асосида техника ва технологияларни жалб қилиш;
- инвестициялар ва инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш;
- инвестиция жараёнларини бошқариш моделлари хусусиятларини аниқлаш;
- инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашда инновацион инфратузилмалар фаолиятдан самарали фойдаланиш;
- инвестицияларни сиёсий ва бошқа хавф-хатарлардан суғурталаш;
- инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини баҳолаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### **6.2.3.16. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари фани бўйича Бакалавр:**

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни, аҳамияти ва зарурлиги;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг классик, монетаристик, кейнсча ва замонавий назариялари;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсадларининг шаклланиши;
- давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари, услубларини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришни;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва тизимга солишни;
- инвестицион жараёнлар ва фан-техника тараққиётининг давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- давлатнинг рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларига тизимли ёндашиш;
- мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши, макро ва микроиқтисодий таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлатнинг тартибга солиш услублари ва иқтисодий жараёнларни моделлаштириш;
- ҳозирги шароитда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ролига бўлган қарашларнинг ўзгариши, Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларида стандарт моделларнинг таҳлилий имкониятларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

#### **6.2.3.17. Бизнес режалаштириш фани бўйича Бакалавр:**

- бозор иқтисоди тамойиллари ва бизнес тушунчаси;
- бизнес ва аҳоли бандлиги;
- режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади ва вазифалари;
- режалаштириш ва прогнозлашнинг меъёрий асослари;
- корхона фаолиятида бизнес-режалаштиришнинг аҳамияти;



– бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш усуллари;

- корхонада бизнес-режанинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти;
- бизнеснинг ахборот асослари;
- бизнес-режанинг моҳияти ва аҳамияти;
- корхона маҳсулотининг тавсифи;
- корхона ишлаб чиқариш дастури *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- бизнес-режани тайёрлаш босқичларини;
- корхона миссияси ва мақсадларини аниқлашни;
- корхона бизнес-режа тузилмасини шакллантириш талабларини;
- бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқариш усулларини;
- бизнес-режани ресурслар билан таъминланганлигини асослаш қоидаларини;
- бизнесни суғурталашни;
- корхонани тавсифлаш ва уни баҳолаш усулларини;
- маркетинг режасини ишлаб чиқиш бўйича талабларни;
- корхона маҳсулотининг комплекс тавсифиомаси ва баҳолаш усулларини;
- моддий захиралар ҳажмини аниқлаш усулларини;
- корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблашни;
- маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини;
- бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш услубиётини *билиши ва улардан*

*фойдалана олиши*;

- корхонанинг тармоқ ва бозордаги мавқеини таҳлил қилиш;
- бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш;
- корхонани баҳолаш ва swot-таҳлилини амалга ошириш;
- маркетинг стратегиясини аниқлаш;
- бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш;
- маҳсулотни бозорга чиқариш стратегиясини белгилаш;
- коммуникатив сиёсат ва маркетинг бюджети ҳисоблаш;
- ишлаб чиқариш режаси таркиби ва кўрсаткичлар тизими белгилаш;
- ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш;
- ташкилий қарорлар қабул қилиш;
- кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш;
- корхонанинг тўловга қобилиги ва амалий фаоллиги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

– даромад ва харажатларни режалаштириш;

– корхонанинг пул оқимлари, башорат баланси ва зарар кўрмаслигини режалаштириш;

– бизнес-режани амалга ошириш учун инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш *қўникмаларга эга бўлиши керак.*

#### **6.2.3.18. Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти фани бўйича Бакалавр:**

- институтлар тушунчаси;
- институционализм моҳияти ва тамойиллари;
- институтлар ва уларнинг иқтисодиётдаги роли;
- режали ва бозор иқтисодиёт институтлари асосий қонунлари;
- трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти;
- институционал ислохотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари;
- шартнома (контракт) тушунчаси ва унинг асосий шартлари;
- бозор, фирма ва хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари;
- ижтимоий соҳа иқтисодиётининг моҳияти ва вазифалари;



- ijtimoiy soxa tarmoqlari va ularni uziga xos xususiyatlari;
- ijtimoiy soxa tarmoqlari vazifalari;
- ijtimoiy soxa tarmoqlarini moliyalashtirish manbalari *haqida tasavvurga ega*

**b'liishi;**

- institutsional nazariyaning pайdo b'liishi va uning konseptsiyalarini;
- institutlar tizimi va uynilar nazariyasini;
- mulk huquklarini tasniflash belgilarini;
- xufena faoliyatning kelib chiqish sabablari;
- maqsadlari va amal qilish soxalari, oqibatlarini;
- institutlar faoliyatining rasmiy va norasmiy konдалarini;
- institutsional islohotlar bosqichlarini;
- korporativ tizimlarini va ular guруxlarning uziga xos xususiyatlari, ustunliklarini;
- xufena iqtisodiyatning kelib chiqish sabablari va oqibatlarini;
- ijtimoiy soxada mehnat va asosiy fondlardan foydalash xususiyatlarini;
- ijtimoiy soxada mehnat resurslarini rejalashtirishda qullaniladigan k'rsatkichlarini;
- ijtimoiy soxa korxonalari moddiy-tehnika bazasini shakllantirish i'ullarini;
- ijtimoiy soxaning asosiy tarkibiy qismlarini tartibga solishda davlat va bозorning rolini;
- ijtimoiy soxada solik mexanizmini;
- aholi daromadlarining taqsimlanish konsepsiyalari, ularning iqtisodiy mazmunini *biliishi va ulardan foydalana olishi;*
- iqtisodiyatda joriy etilgan institutlar tizimini u'rganish;
- ular faoliyatining rasmiy va norasmiy me'orlarini taqqoslash;
- transaktsiya xarajatlarini klassifikatsiyalash va ular k'rsatkichlarini ta'hlil qilish;
- shartnoma (kontrakt) tarkibi va ularning asosiy k'rsatkichlari baholash va tashkiliy tuzilmalarini ta'hlil qilish;
- davlat va firma faoliyatining rasmiy va norasmiy me'orlarini shakllantirish;
- ijtimoiy soxa tarkibiy b'ginlari iqtisodiyatini ta'hlil qilish va baholash;
- U'zbekiston aholisini ijtimoiy ximoya qilish va ijtimoiy muhofaza tizimini rivojlantirish;
- ijtimoiy soxada mehnat va asosiy fondlardan foydalash samaradorligini oshirish mexanizmlaridan foydalash *k'nikmalariga ega b'liishi kerak.*

**6.2.4. Iqtisodiy fanlari b'yncha talablar****6.2.4.1. Agrar islohotlar va ozik-ovkat xavfsizligi fani b'yncha:****Бакалавр:**

- agrar soxaning iqtisodiyatda tutgan u'ri va uning ulchamlari;
- qishloq x'jaligi mahsulotlari va ularning xarakat shakllari;
- qishloq x'jaligi mahsulotlariga b'lgan talab va taklif muvozanati, unga ta'sir etuvchi omillar;
- qishloq x'jaligiga ishlab chiqarish vositalari va omillarini etkazib beruvchi soxalarning bozordagi u'ri;
- agrar si'osatining bevosita va bilvosita usullari;
- qishloq x'jaligi va qayta ishlash soxalarining ozik-ovkat ta'minotidagi u'ri;
- ozik-ovkat xavfsizligini ta'minlashda davlatning iqtisodiy roli;
- agrar si'osati va ozik-ovkat soxasida integratsiya jara'nlari t'u'risidagi turlicha nazariyalar *haqida tasavvurga ega b'liishi;*



- Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва уларни аграр соҳада амалга оширишнинг йўналишларини;
- қишлоқ хўжалиги фаолиятини тубдан ўзгартириш соҳасидан давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ва таркибий тузилишини ҳисоблашни;
- озиқ-овқат қиймати яратилиш занжирини туза олиш ва таҳлил этишни;
- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ялпи талаб ва таклиф муносабатларини аниқлашни;
- озиқ-овқат соҳасидаги истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омилларни;
- озиқ-овқат хавфсизлигини олдиндан башоратлаш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатини;
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг иқтисодий ўсишдаги ўрнини;
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат иқтисодиёти салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш йўналишларини;
- аграр соҳасида инфляция ва унинг олдини олиш усулларини;
- даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлашни;
- халқаро қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишларини;
- аграр ва озиқ-овқат соҳасида халқаро савдо тўғрисидаги турли хил назарияларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажминини ҳисоблаш ҳамда унинг таркибидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини баҳолаш;
- аграр ва озиқ-овқат соҳасида ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг ўзгаришини таҳлил этиш;
- аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариш;
- замонавий назариялар асосида аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усулларига баҳо бериш;
- аграр ва озиқ-овқат бозорларидаги замонавий тенденцияларни кузатиш ва улар тўғрисида назарий хулосалар чиқариш **қўникмаларига эга бўлишлари керак.**

#### 6.2.4.2. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани бўйича

##### Бакалавр:

- қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги аҳамияти;
- қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер-сув ресурслари;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари;
- фермер ва деҳқон хўжалиқларининг иқтисодиётда тутган ўрни;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий ва айланма фондларини;
- қишлоқ хўжалигида мулк муносабатларини;
- қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқаришни ташкил этиш усулларини;
- қишлоқ хўжалигидаги шартномавий муносабатларини;
- деҳқончилик тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил этишни;
- чорвачилик тармоғида ишлаб чиқаришни ташкил этишни;



- қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги фойда, даромад ва харажатларни;
- қишлоқ хўжалигида молиявий натижаларнинг шаклланиш тартибини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш тартибини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг иқтисодий кўрсаткичларини;
- фермер ва деҳқон хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичларини;
- контракция шартномаларини тузиш тартибини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш;
- қишлоқ хўжалиги тармоқларини иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш билан боғлиқ ишларни бажариш;
- иш ҳақи фондиди режалаштириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат ва бошқа корхоналар билан иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатларини ташкил этиш;
- ер, меҳнат, моддий-техникавий ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

#### 6.2.4.3. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро иқтисодий муносабатлари фани бўйича:

##### Бакалавр:

- иқтисодий муносабатларнинг моҳияти ва турлари;
- қишлоқ хўжалигининг биринчи соҳа тармоқлари билан бўладиган иқтисодий муносабатлари;
- қишлоқ хўжалигининг давлат ва бошқа молиявий ташкилотлар билан бўладиган муносабатлари;
- қишлоқ хўжалигининг енгил саноат тармоқлари билан бўладиган муносабатлари;
- қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат саноати билан бўладиган муносабатлари;
- қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан бошқарилиши ва тартибга солиниши;
- қишлоқ хўжалигида кооперативларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари;
- қишлоқ хўжалигини мелiorациялаш, кимёлаштириш ва механизациялаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи корхоналарни таҳлил қилиш усулларини;
- тармоқлараро кооперативларни ташкил этишда жаҳон тажрибасини;
- ер фондидан фойдаланиш йўналишларини;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини;
- моддий ресурслардан фойдаланиш йўналишларини;
- тармоқлар ва соҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини;
- иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи корхоналарда молия-кредит муносабатларини;
- пахта хом ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва сақлаш технологияларини;
- дон етиштириш ва дон маҳсулотларини сақлаш усулларини;
- мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи корхоналар тартибини таҳлил этиш;



- қишлоқ хўжалигининг давлат ва бошқа молиявий ташкилотлар билан бўладиган муносабатларини ташкил этиш;
  - иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи корхоналарнинг моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш;
  - қишлоқ хўжалигида кооперациявий муносабатларни шакллантириш ва уларни ривожлантириш;
  - кооперациявий муносабатлар шароитида инфратузилмаларнинг ролини ошириш;
  - ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолаш;
  - меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолаш;
  - маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш;
  - дехкончилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш;
  - чорвачилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш
- кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

**6.3. Танлов фаилари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига кўйиладиган талаблар.**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фаиларининг таркиби ва уларнинг мазмунига кўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари**

**7.1. 5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт таксимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	13 ҳафта
Битирув иши	5 ҳафта
Аттестация	19 ҳафта
Таътил	31 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>204 ҳафта</b>

**7.2.** Талаба ҳафталик ўқув юкласининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкласи –32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

**7.3.** Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**7.4.** Таълим дастурини ўзлаштиришда бир катор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

**7.5. 5230100–Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

**7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари**

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига кўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари**

**7.5.2.1. Олий математика:**

“Олий математика” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари, унинг иқтисодиётда тутган ўрни. Матрицалар ва уларнинг хоссалари. Детерминантлар ва уларнинг асосий хоссалари. Чизикли тенгламалар тизими. Тенгламалар тизимини **сечилнинг усуллари.** Буасс



усули. Бир жинсли чизикли тенгламалар системаси. Леонтьевнинг кўп тармоқли иктисод учун баланс модели.  $n$ -ўлчовли ҳақиқий арифметик векторлар фазоси. Комплекс сонлар. Векторлар тизими. Чизикли фазо. Квадратик формалар. Халқаро савдо модели. Аналитик геометриянинг предмети ва вазифалари. Текисликдаги аналитик геометрия. Тўғри чизик, айлана, эллипс, гиперболо ва парабола. Иккинчи тартибли эгри чизикнинг умумий тенгламасини текшириш. Фазодаги аналитик геометрия. Иккинчи тартибли сиртлар. Математик анализ элементлари. Тўпламлар ва улар устида амаллар. Сонли кетма – кетликлар ва уларнинг хоссалари, яқинлашувчанлиги. Бир ўзгарувчилик функция, унинг берилиш усуллари. Функция лимити. Ажойиб лимитлар. Функциянинг узлуксизлиги. Узилиш турлари, асимптоталар. Узлуксизликнинг иктисодиётга татбиқлари: тўр модели. Бир ўзгарувчилик функция хосиласи. Хосиланинг механик, геометрия ва иктисодий талқини. Мураккаб функция хосиласи. Функция экстремумининг зарурий ва етарли шартлари. Функция кавариклиги ва ботиқлиги. Эгилиш нуқталари. Лопитал қондаси. Макроиктисодиётда маржинал харажатлар. Функция эластиклиги тушунчаси. Кўп ўзгарувчилик функция ва унинг хусусий хосилалари. Кўп ўзгарувчилик функция экстремуми. Шартли экстремуми. Кўп ўзгарувчилик функцияларнинг иктисодиётга татбиқлари: энг кичик квадратлар усули. Бошланғич функция ва унинг хоссалари. Аниқ интеграл ва уни ҳисоблаш усуллари. Интегралнинг иктисодиётдаги татбиқлари. Дифференциал тенгламалар. Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар, ўзгармас коэффициентли юқори тартибли чизикли тенгламалар. Дифференциал тенгламаларнинг иктисодиётда қўлланилиши. Сонли қаторлар ва уларнинг яқинлашиш шартлари. Функционал қаторлар. Даражали қаторлар. Даражали қаторларни дифференциаллаш ва интеграллаш. Тейлор ва Маклорен қаторлари.

“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”нинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари ва унинг иктисодий жараёнларда қарор қабул қилишдаги роли. Элементар ҳодисалар фазоси, ҳодиса ва улар устида амаллар. Эҳтимоллар назариясининг аксиоматик қурилиши. Эҳтимол тушунчаси. Эҳтимоллик таърифлари ва хоссалари. Шартли эҳтимол. Ҳодисаларнинг боғлиқмаслиги. Тўла эҳтимоллик формуласи. Байес формуласи. Боғлиқ бўлмаган синовлар кетма-кетлиги. Бериулли теоремаси. Пуассон теоремаси. Муавр-Лапласнинг локал ва интеграл теоремалари. Энг катта эҳтимоллик сон. Тасодикий миқдор ҳақида тушунча. Дискрет тасодикий миқдорлар ва уларнинг тақсимот қонунлари (биномнал, геометрик ва Пуассон тақсимот қонунлари). Узлуксиз тасодикий миқдорлар. Тақсимот функция тушунчаси. Зичлик функцияси (текис тақсимланган, кўрсаткичли ва нормал зичлик функциялар). Нормал қонуннинг иктисодиётда қўлланилиши. Кўп ўлчовли тасодикий миқдорлар. Ковариация ва корреляция коэффициентли, уларнинг хоссалари. Катта сонлар қонуни. Бир хил тақсимланган ва турли тақсимланган танланмалар учун марказий лимит теоремалари. Эмпирик тақсимот функция ва унинг хоссалари. Нуқтавий баҳолаш, уларнинг асосий хоссалари. Баҳолашнинг классик усуллари (Пирсоннинг моментлар усули, Фишернинг ҳақиқатга энг яқин баҳолаш усули, Лежандрнинг энг кичик квадрат усули). Интервалли баҳолаш. Ишончлилик интервали. Статистик гипотезаларни текшириш. I ва II тур хатоликлар. Критерийнинг қуввати. Асосий ва муқобил гипотезалар. Оддий ва мураккаб гипотезалар. Пирсоннинг мослик мезони. Регрессион таҳлилнинг асосий масалалари. Чизикли корреляцион таҳлил. Чизикли регрессия тенгламаси. Параболик, гиперболик ва даражали регрессия тенгламаси. Кўп ўлчовли регрессион модел.

**7.5.2.2. Иктисодий-математик усуллар ва моделлар:**

Ижтимоий-иктисодий тизимларнинг иерархик тузилиши. Миллий иктисодиётни модернизациялаш шароитида иктисодий-математик моделлаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти. Иктисодиётни бошқаришда иктисодий-математик моделлар ва ахборот технологияларини қўллаш самарадорлиги. Иктисодий тизимларни блоklarга бўлишнинг иктисодий ва техник шартлари. Иктисодий-математик моделлаштириш тамойиллари. Модел ва моделлаштириш жараёнининг маъноси. Иктисодий-математик моделларни яратиш шартлари. Моделлар таснифи. Математик моделлар турлари ва уларни қўллаш соҳалари. Иктисодий-математик моделлаштириш босқичлари. Оптимал **тақсимот** **усулининг**

STANDARTLASHTIIRISH, DAVLAT  
KAZORAT VA BUDJETOVLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
JORIY ETISH BOSQIMLARI



иктисодий жараёнларни моделлаштиришдаги имкониятлари. Муқобил қийматли ва натурал оптималлик мезонли моделлар: максимал фойда, минимал харажат, маҳсулот комплектини максимал ишлаб чиқариш, ускуналарни максимал юклаш. Чизикли дастурлаш усули масаласининг умумий қўйилиши ва унинг иктисодий талқини. Ассортимент масаласининг математик модели. Л.В. Канторовичнинг асосий режали ишлаб чиқариш масаласи: интредидентлар, маҳсулотлар, ресурслар, ярим фабрикатлар ва фарклаш усуллари. Иктисодий масалалар қўйилишида иккиланганлик шартлари. Чизикли дастурлаш усулининг берилган ва иккиланган масалаларининг иктисодий талқини. Иккиланган теоремалар ва уларнинг иктисодий мазмуни. Иккиланган баҳолар хусусиятлари ва уларнинг иктисодий таҳлилда қўлланилиши. Ишлаб чиқаришнинг “тор жойлари” ва танқис ресурсларни аниқлаш. Ўзаро алмашадиган ва алмашмайдиган ускуналар гуруҳини юклашнинг матрицавий ва иктисодий-математик модели. Оптималлик мезони ва чегаравий шартлар. Саноат материалларини оптимал қирқиш моделлари ва мезонлари. Умумий чиқиндини минималлаштириш ва комплектлар сонини максималлаштириш. Транспорт масаласи турлари: бир маҳсулотли ва кўп маҳсулотли. Классик транспорт масаласининг матрицавий ва иктисодий-математик модели. Транспорт масаласи моделидаги ўзгарувчилар ва чегаравий шартлар тизими. Транспорт масаласини ечиш усуллари. Истеъмолчи нафлик функциясини максималлаштириш. Нафлик функцияси экстремумини аниқлаш усуллари: Лагранж кўпайтувчиси ёрдамида истеъмолчи танловини оптималлаштириш. Бефарклик эгри чизиклари ва бюджет чегараси. Миллий ҳисоблар тизимида “харажатлар-ишлаб чиқариш” модели. Баланс тенгламаларини ечиш усуллари. Тармоқлараро баланснинг принципиал схемаси. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тақсимлашда тармоқлараро баланс иктисодий-математик моделининг умумий кўриниши. Тармоқлараро баланс квадрантларининг характеристикалари. Динамик дастурлаш масаласининг умумий қўйилиши. Беллманнинг функционал тенгламалари. Динамик моделларда “оптималлик тамойили”. Товар захираларини тартибга солишнинг принципиал тизимлари. Захираларни бошқаришни стохастик модели. Тармоқли моделларни қўллаш соҳалари. Тармоқли графда давр. Кетма-кет ва параллел бажариладиган ишлар. Тармоқли графда “йўл”. Критик йўлни аниқлаш усуллари. Ўйинлар турлари. Ўйин ва ўйин қондалари. Тўловлар ва ютуқлар матрицаси. Максимин ва минимуме стратегиялар. Вальднинг максимум мезони. Сэвижнинг минимуме хатар мезони. Гурвицнинг “пессимизм-оптимизм” мезони. Аралаш ва соф стратегиялар. Ноаниқлик шароитида шартларни қабул қилиш.

### 7.5.2.3. Информатика ва ахборот технологиялари:

Ахборот тушунчаси. Ахборот ва маълумотларнинг таснифи ва хусусиятлари. Ахборотларни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш жараёнлари тавсифи. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнлари. Ахборотлашган жамият. Ахборот маданияти. Иктисодиётда ахборот технологиялари фанининг мақсад, вазифалари ва предмети. Ахборот инфратузилмаси. Ахборотлаштириш концепцияси ва унинг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш дастури ва уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари. Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш, компьютерлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини иктисодиётга татбиқ қилиш тўғрисидаги қонунлари. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда фанининг аҳамияти. Технологиялар. Ахборот технологиялари. Технологияларнинг умумназарий жиҳатлари. Моддий ресурслар: маҳсулот, ахборот маҳсулоти, технология компонентлари Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг таснифи. Ахборот тизимининг бутун ҳаётий даври. Ахборот технологиясининг элементлари. ААТни татбиқ этиш усуллари. Компьютер графикаси. Тармоқли ААТ. Интеграллашган ахборот технологиялари. Ахборот фаолияти. Ахборот-коммуникациялар бизнеси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари. Интерактив хизматлар. Ахборот-коммуникациялар бизнесига таъсир қилувчи омиллар. Ахборот маҳсулотлари. Интерактив хизматлар маҳсулотларининг таснифи. Ахборот технологиялари эволюцияси. Механик, электр-механикаси, электрон давр. Ахборотни тақдим этиш тизимининг ривожланиши. Нутқ, ёзув, китоб. Коммуникация тизимининг ривожланиши. Телеграф, телефон, радио, телевизор, Интернет, видеоконференция, телеконференция. Ахборот



технологияларининг ривожланиш тенденциялари. Глобаллаштириш. Конвергенция. Ташкилотни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг концептуал ва функционал модели. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг тузилиши. Ахборот таъминоти. Техник таъминот. Математик таъминот. Дастурий таъминот. Умумий тизимли дастурий таъминот. Махсус дастурий таъминот. Услубий таъминот ва ташкилий таъминот. Эргономик таъминот. Хуқуқий таъминот. Лингвистик таъминот. Ахборот тизимининг функционал қисми. Автоматлаштирилган ахборот тизимининг ҳаётий давр. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг автоматлаштириш даражаси бўйича туркумлаш. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини бошқарув жараёни бўйича туркумланиши. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг қўлланилиш ва фаолият соҳаси бўйича туркумланиши. Бошқарув тизимининг даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларини туркумланиши. Автоматлаштирилган ўқитиш тизимлари. Сифат даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларининг синфларга бўлиниши.

#### 7.5.2.4. Иқтисодий география ва экология:

“Иқтисодий география ва экология” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Фанининг илмий концепциялари, тадқиқот услублари, назарий ва амалий йўналишлари. Экологик вазият ва унинг шаклланишидаги халқаро, минтақавий ва миллий жиҳатлар. Ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиш ва ривожланишидаги халқаро, миллий, минтақавий хусусиятлар. Дунё сиёсий - иқтисодий харитаси ва халқаро муносабатлар. Сиёсий харитадаги мамлакатлар сони ва ундаги ўзгаришларнинг сабаб-оқибатлари. Дунё аҳолиси ва ундаги ўзгаришлар. Аҳолининг такрор барпо бўлиши ва демографик сиёсат. Урбанизация жараёялари ва унинг аҳоли концентрациясига таъсири. Дунё хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимоти. Инсониятнинг истиқбол тараққиётида дунё ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари. Аҳоли эҳтиёжлари ва озиқ-овқат муаммоси. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни. Иқтисодий районлаштириш принциплари ва районлаштириш назарияси. Ўзбекистоннинг иқтисодий-географик ўрни, майдони ва чегаралари. Мамлакат табиий ресурслари таснифи ва таъминланганлик даражаси. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Табиий ва механик ҳаракатнинг аҳоли сонига таъсири. Мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ ва ҳудудий таркиби. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Ёқилги-энергетика саноати жойлашуви: газ, нефть, кўмир саноатининг ривожланиш хусусиятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва уни ривожланиш истиқболлари. Сугориладиган текислик, чўл, яйлов, шаҳар атрофи минтақалари қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари. Ўзбекистонда ижтимоий соҳалар тараққиёти. Ўзбекистонда транспорт ва ахборот коммуникациялари географияси. Транспорт инфраструктурасини ривожлантириш истиқболлари. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишлари. Биосфера ва ундаги ўзгаришларнинг халқаро иқтисодиётда тутган ўрни. Табиатдан фойдаланиш ва уни ўзгартиришда табиат конунларини ҳисобга олиш зарурияти. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Табиатда заنجир реакцияси. Инсоннинг табиатга таъсири микёсининг ортиб бориш сабаблари. Табиатдан фойдаланиш ва унинг иқтисодий механизмлари. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни утилизациялаш. Ижтимоий экологик вазият ва унинг шаклланиш хусусиятлари. Экологик вазият ёмонлашувининг ижтимоий жиҳатлари. Глобал геозкологик муаммоларнинг кишилиқ жамиятига таъсири. Ўзбекистонда экологик вазиятни тартибга солиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишлари. Ўзбекистон ҳудудига антропоген таъсирнинг тарихий-иқтисодий ўзгариб бориши.

#### 7.5.3. Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

##### 7.5.3.1. Иқтисодий таълимотлар тарихи:

«Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанининг предмети ва ўрганиш усули. Қадимги дунё иқтисодий гоёлари. Феодал жамияти ва унинг емирилиши давридаги иқтисодий қарашлар. Ўрта Осиёдаги теурийлар давригача бўлган иқтисодий тоёлар. Амир Темур ва



темурийлар давридаги иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат. Меркантилизм иқтисодий таълимнинг моҳияти ва аҳамияти. Классик мактабнинг иқтисодий таълимлари. Англия ва Францияда классик мактабнинг вужудга келиши. Физиократизм иқтисодий таълимоти. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши. Адам Смитнинг иқтисодий таълимлари. Д. Рикардо, Ж.Б. Сэй, Т. Мальтус ва бошқаларнинг иқтисодий таълимлари. Ж.Милль, Ж.Мак-Куллох ва бошқаларнинг иқтисодий ғоялари. Классик иқтисодий мактабга муқобил ғояларнинг моҳияти. Бозор иқтисодиётига муҳолиф йўналиш моҳияти ва унинг тарихий тадбири. Германиядаги тарихий мактаб ғояларининг ўзига хос хусусиятлари. Маржинализм таълимоти ва неоклассик иқтисодий мактаблар. Иқтисодиётни тартибга солиш концепциялари. Институционализм йўналиши моҳияти ва аҳамияти. Номукамал рақобат бозори назариялари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш таълимлари. Ж.М. Кейнснинг иқтисодий таълимоти. Кейнсчилар ва неокейнсчилик. Неолиберализм ғояларининг моҳияти ва аҳамияти. Ҳозирги замон иқтисодий таълимлари эволюцияси. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатларининг ғоялари. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий ғоялар. Ўтиш даври иқтисодий таълимлари. Ўтиш даврининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даври концепцияси.

### 7.5.3.2. Иқтисодиёт назарияси (давони):

Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи ички маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. Миллий ҳисоблар тизими. ЯИМни ҳисоблашга турлича ёндашувлар. Ялпи талаб ва ялпи таклиф. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик ва кейнсча моделлари. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокейнсча моделлари. Миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари. Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари. Миллий иқтисодиётнинг нисбатлари ва мувозанати. Иқтисодий мувозанат даражасини аниқлаш усуллари. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, диверсификациялаш модернизациялаш асосида мутаносибли ривожлантирилиши. Иқтисодиётнинг даврийлиги ва макроиқтисодий бекарорлик. Меҳнат ресурслари, уларнинг бандлиги ва ишсизлик. Молия тизими ва молиявий сиёсат. Давлат бюджети ва унинг молиявий ресурсларни шакллантиришдаги аҳамияти. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари, уларнинг иқтисодиётга таъсири. Пул-кредит тизими. Инфляция ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Пул-кредит тизимини давлат томонидан тартибга солиш. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли. Бозор иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли. Иқтисодиётни тартибга солишнинг классик, монетаристик, кейнсча назариялари. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усуллари. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси. Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари. Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги шарт-шароитлар. Халқаро савдо тўғрисидаги турли хил назариялар. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.

### 7.5.3.3. Микроиқтисодиёт:

Микроиқтисодиёт фанининг предмети, вазифалари, тадқиқот услублари, фанининг базис тушунчалари. Ресурслар чекланганлиги ва иқтисодиётнинг бош муаммоси. Бозор ва бозор иқтисодиёти. Талаб ва таклиф, бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар. Талаб ва таклиф эластиклиги. Эластиклик назариясини амалда қўллаш. Эластиклик ёрдамида сотувчи даромадини таҳлил этиш. Эластиклик орқали солиқ юқини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимлаш масаласи. Бозор иқтисодиётида истеъмолчи танлови ва унга таъсир этувчи омиллар. Истеъмолчи танлови масаласи. "Даромад" самараси, "Алмаштириш" самараси. Ишлаб чиқариш назарияси. Нафлилик назарияси. Чекли унумдорликнинг камайиш қонуни. Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш. Ишлаб чиқариш функциялари.



Фирмаларнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фирма фойдаси. Қисқа муддатли ораликда рақобатлашган бозорда фирма ҳаракати, мувозанати, фойдаси ва таклифи. Узок муддатли ораликда фирма ва тармоқ мувозанати. Масштаб самараси. Корхонанинг самарали қуввати. Бозор тузилмалари турлари. Соф монополия, рақобатлашган монополия ва олигополия шароитида нарх белгилаш. Рақобатлашган монополия, олигополия ва соф монополия шароитида фойдани максималлаштириш шартлари. Монополияга қарши қонунчилик, меҳнат бозори, капитал бозори ва ер бозори, иқтисодий рента. Умумий мувозанат. Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш. Таваккалчилик ва уни пасайтириш йўллари. Ташқи самара, Коуз теоремаси ва унинг аҳамияти. Бозор иқтисодиётини бошқаришда давлатнинг роли.

#### 7.5.3.4. Макроиктисодиёт:

Макроиктисодиёт тушунчаси, ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш: макроиктисодий ҳолатни ақс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари. Меҳнат бозорида мувозанат механизми. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисобланиш усуллари. Инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик. Филипс эгри чизиги. Истеъмол ва инвестиция функциялари. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари. Истеъмол ва жамғаришга чегараланган мойиллик. Акселератор модели. AD - AS модели. Классик иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси хусусиятлари. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси асослари. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. «Кейнс хочи». Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми. Автоном харажатлар мультипликатори. Пул агрегатлари. Пулга талабнинг классик назарияси. Пулга талабнинг кейнсча назарияси. Банк ва пул мультипликатори. Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Бозор иқтисодиётида давлатнинг роли: давлатнинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги. Давлатнинг иқтисодий функциялари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Ресурсларни қайта тақсимлаш ва барқарорлаштириш сиёсати. Фискал сиёсат. Пул-кредит сиёсати. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги. IS-LM модели. IS - LM моделининг моҳияти ва AD-AS модели билан боғлиқлиги. Иқтисодий ўсиш ўлчови. Иқтисодий ўсишнинг Домар модели. Иқтисодий ўсишнинг Р. Харрод модели. Р.Солоунинг неоклассик модели асослари. Халқаро савдо назарияси. Ташқи савдо сиёсати. Тўлов баланси. Валюта курси. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва натижалари.

#### 7.5.3.5. Минтақавий иқтисодиёт:

“Минтақавий иқтисодиёт” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. “Худуд”, “район”, “минтақа” тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Фанининг тадқиқот усуллари. «Минтақавий иқтисодиёт» фанининг назарий асослари, ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Минтақа иқтисодиёти бўйича хорижий илмий мактаблар ва уларнинг назарий қарашлари. Худудий иқтисослашув, минтақалараро Олин савдо ва Хекшер назариялари. Қишлоқ хўжалиги ва саноат стандарти назариялари. Марказий жойлар, ўсиш кутблари ва иқтисодий районлаштириш ҳамда худудий комплекслар ташкил қилиш назариялари. Худудий ривожланишнинг янги парадигма ва концепциялари.

Ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тушунчалари. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қонуниятлари ва шакллари. Ишлаб чиқариш шакллари, ихтисослашув, марказлашув (концентрация), кооперация ва комбинатлашув. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг табиий-тарихий, худудий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари. Меҳнат тақсмоти ва унинг шаклланиш хусусиятлари. Мамлакат худудий иқтисодиёти таркибини шакллантириш тамойиллари. Иқтисодиётнинг худудий тақсимланиш параметрлари ва уларни тавсифлаш. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва ундаги жараёнларни моделлаштириш. Тармоқлараро ишлаб чиқиш алоқалари, оптимизацион моделлар, худудий эконометрик моделлар, минтақа иқтисодиёти фаолиятининг йириклаштирилган ва бошқа ишлаб чиқариш



моделлари. Ялпи худудий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот тушунчалари ҳамда уларнинг ўхшашлик ва фарқи жиҳатлари. Ялпи худудий маҳсулотнинг таркиби ва тузилиши. Ялпи худудий маҳсулотни ҳисоблашнинг жаҳон тажрибаси. Минтақанинг асосий макрониктисодий кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили. Худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш индикаторлари ва уларни гуруҳлаштириш. Минтақанинг тармоқ ва худудий таркиби. Миллий иктисодиётни худудий таҳлил этиш. Худудий-ташкилий иктисодий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Табiiй ва иктисодий салоҳият тушунчалари ҳамда уларнинг мазмун, моҳияти. Географик ўрин, табiiй-ресурс, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳияти. Ишлаб чиқариш, минерал хомашё, ер-сув, ва меҳнат ресурсларини баҳолаш усуллари.

Минтақалар иктисодиётининг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар. Минтақаларнинг табiiй ва инсон ресурслари билан таъминланганлиги. Саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилиши ва ундаги ўзгаришлар. Саноат тармоғининг худудий таркиби ва уни жойлаштириш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигининг жойлаштириш ва ривожланишидаги минтақавий жиҳатлар. Минтақаларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти, саноат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотидagi улуши ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражалари. Аҳолининг турмуш даражаси ва унинг асосий кўрсаткичлари бўйича минтақавий тафовутлар. Давлат ҳокимияти ва унинг ваколатларини турли поғоналари ўртасидаги тақсимлаш тамойиллари. Минтақа иктисодиётини миллий ва маҳаллий даражада бошқариш. Тармоқ ва худудий бошқарувнинг ўзаро алоқадорлиги. Маҳаллий бошқарувнинг меъёрий-қонуний асослари. Худудий бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва тамойиллари. Минтақавий ривожланишни тартибга солиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси. Минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибга солишнинг асосий усул ва дастаклари.

Минтақа молиясининг моҳияти ва таркиби. Минтақа молиявий маблағлари ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари. Маҳаллий бюджетнинг маҳаллий бошқарув органлари фаолиятидаги ўрни. Маҳаллий бюджетнинг тушум ва харажатлари. Маҳаллий солиқлар ва уларнинг йўналишлари. Мол-мулк солиғи ва унинг маҳаллий бюджетдаги роли.

Бюджет жараёни. Бюджетлараро муносабатлар. Маҳаллий бюджетнинг республика бюджетидagi улуши. Минтақаларга ажратилadиган субвенциялар. Бюджет таъминоти. Худудий бюджетдан ташқари фондлар, худудий ўз-ўзини молия билан таъминлаш, худудларнинг молиявий ресурслари. Молиялаштириш бўйича хориж тажрибалари. Агроф муҳит ва унинг компонентларини муҳофаза қилиш.

#### 7.5.3.6. Статистика:

“Статистика” фанининг предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Оммавий ҳодиса, унинг муҳим белгилари. Статистика методи. Статистик тадқиқот ва унинг босқичлари. Ҳозирги замон Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси ва халқаро статистика. Статистик кузатиш моҳияти ва аҳамияти. Статистик кузатишни ташкил этиш тамойиллари. Статистик сводкалаш ва гуруҳлаш, унинг мазмуни, аҳамияти ва вазибалари. Гуруҳлаш турлари. Статистик кўрсаткич турлари ва таснифи. Статистик кўрсаткичларни тақдим этишнинг асосий усуллари. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими. Мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар. Мутлақ кўрсаткич турлари. Нисбий кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва ифодалаш шакллари. Статистик жадваллар. Статистик маълумотларни графикларда тасвирлаш. Диаграммалар. Ўртача миқдор турлари ва шакллари. Арифметик ўртача: оддий ва тортилган шакллари. Геометрик ўртачанинг хоссалари. Квадратик ва кубик ўртача миқдорлар ҳамда уларни қўллаш масалалари. Даражали ўртача. Вариация моҳияти ва уни статистик ўрганиш зарурати. Вариация кўрсаткичлари. Асимметрия коэффициентлари ва уни аниқлаш тартиби. Тақсимот эксцесси, унинг моҳияти ва даражасини миқдорий баҳолашнинг аҳамияти. Танланма кузатув, унинг мазмуни, қўлланиш сабаблари ва афзалликлари. Танланма репрезентативлигини таъминловчи танлаш усуллари. Корреляцион-регрессион усуллари қўллаш шарт-шароитлари. Жуфт корреляция. Жуфт регрессия тенгламасини тузиш тартиби. Жуфт корреляция коэффициентлари ва унинг таъкиди. Детерминация коэффициентлари ва уни таъкил этиш. Динамика каторларининг турлари. Катор ўрнини



даражаси ва ўртача динамикаси суръатини аниқлаш усуллари. Динамика қаторларида асрий тенденциялар, мавсумий ва конъюнктуравий тебранишлар, уларни ўрганиш зарурати. Динамика катори даражаларини интерполяциялаш ва экстрополяциялаш. Иқтисодий индексларни моҳияти, аҳамияти ва роли. Агрегат индекслар, уларнинг синтетик ва аналитик функциялари. Жорий ва базис вазли индекслар, уларнинг хусусиятлари. Статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий индекслар. ЯИМ дефлятори ва жисмоний ҳажм индекси. Истеъмол баҳолари индексини тузиш тартиби. Миллий ҳисобламалар тизими (МХТ)-макрониктисодий статистиканинг асосий услуги. МХТ моҳияти, аҳамияти ва функциялари. МХТ нинг асосий категориялари ва тушунчалари. МХТни асосий ҳисобламалари ва уларнинг кўрсаткичлари.

#### 7.5.3.7. Меҳнат иқтисодиёти:

Инсон ва жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг ўрни. Меҳнатнинг намоён бўлиш шакл ва функциялари. Меҳнатни ташкил этиш хусусиятлари. Меҳнат тақсимоли ва кооперацияси. Меҳнат шароитлари ва уларга баҳо бериш. Меҳнат бозорининг асосий элементлари. Меҳнат бозори конъюктураси ва унинг ишлаш механизми. Меҳнат бозори моделлари. Демографик жараёнлар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири. Меҳнат бозорида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Меҳнат ресурслари ва уларнинг таснифланиши. Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сонини аниқлаш услубияти. Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси. Иш билан бандлик даражаси ва уни аниқлаш тартиби. Ишсизлик таснифи ва уни камайтириш йўллари. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат кафолатлари. Меҳнат унумдорлиги ва уни ўлчаш усуллари. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашдаги маҳсулот ҳажми ва меҳнат сарфлари кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва захиралари. Иш ҳақининг шаклланиши ва уни бозор қонуни асосида ташкил этиш механизмлари. Иш ҳақининг элементлари, уни ташкил этиш тамойил ва вазифаларининг ўзаро алоқадорлиги. Асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш. Корхоналарда иш ҳақиға қўшимчалар, устамалар ва бир марта бериладиган мукофотларни қўллаш.

Инсон тараққиётининг асосий унсурлари, мезонлари ва индикаторлари. Инсон тараққиёти индекси ва уни ҳисоблаш услубияти. Миллий ва минтақавий даражада инсон тараққиётининг интеграл индексларини қўллаш хусусиятлари. Инсон тараққиётида демографик вазиятнинг ўрни ва уни баҳолаш кўрсаткичлари. Саломатлик даражаси ва ҳаёт давомийлиги индексини ҳисоблаш усуллари. Инсон тараққиётига таълимнинг таъсири. Таълимнинг халқаро стандарт таснифи ва жаҳон таълим моделлари ва босқичли тузилмалар таснифи. Таълимнинг ўртача давомийлиги. Моддий неъматлар ва хизматлар бўйича турмуш даражаси кўрсаткичлари ҳамда индикаторлари. Харид қобилияти паритети бўйича ялпи миллий даромад ва реал даромад индекси. Иқтисодий тенгсизлик кўрсаткичлари ва уни ўлчаш усуллари. Гендер омиллини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш индекси. Таълимнинг гендер жиҳатлари. Инсон тараққиётида ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

#### 7.5.3.8. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар:

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг предмети, мазмуни ва моҳияти. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизими, унинг замонавий хусусиятлари. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдонинг классик назариялари. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишда тарифли ва нотариф усуллар. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари. Миграция жараёнларининг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири. Капитал олиб чиқишнинг моҳияти ва кўринишлари. Капитал экспорти географик тузилмасидаги ўзгаришлар. Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар (ТМК). Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг функциялари, туркумланиши ва асосий кўринишлари. Миллий ва халқаро валюта тизими. Валюта бозорлари, уларнинг



функцияси ва турлари. Халқаро кредит муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни. Халқаро молиявий кредит ташкилотлар. Ривожланган давлатлар гуруҳининг жаҳон ҳўжалиги ва сиёсатида тутган ўрни. Ривожланган давлатлар иктисодиётининг ҳозирги давр тузилиши. Ривожланган мамлакатларнинг ташқи иктисодий стратегияси. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари, хусусиятлари. Янги индустриал мамлакатларнинг иктисодий ривожланиш моделлари. Ўтиш давридаги мамлакатларнинг иктисодий ривожланиш хусусиятлари. Халқаро иктисодий интеграциянинг моҳияти, кўринишлари. Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Осиё мамлакатлари доирасидаги интеграцион жараёнлар. Халқаро ташкилотларнинг таснифланиши. Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб бораётган ташқи иктисодий муносабатлар.

#### 7.5.3.9. Менежмент:

Менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари. Менежментнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари. Менежментнинг илмий мактаблари. Ўзбекистонда бошқарувнинг ривожланиши. Менежментнинг хорижий моделлари. Менежментнинг назарий асослари. Бошқарув ва менежмент. Бошқарувнинг моҳияти ва тизими. Менежментнинг илмий ёндашув ва тамойиллари. Бошқарув усуллари. Меҳнатни бошқариш характери. Меҳнатни бошқариш турлари. Ф. Тейлорнинг меҳнатни бошқариш усуллари. Меҳнатни технократик бошқариш. Менежмент технологияси. Бошқарув жараёни ва вазифалари. Режалаштириш. Ташкил этиш. Мотивация. Мувофиқлаштириш. Бошқарувда ахборот ва коммуникациялар. Бошқарув қарорлари. Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг тавсифи. Ташкилотлар ва уларни бошқариш. Ташкилотларнинг ички ва ташқи муҳити. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари. Ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошқариш. Ташкилий ўзгаришларни бошқариш. Бошқарув самарадорлиги. Замонавий менежер сифатлари. Менежер тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Менежер ва етакчи. Менежернинг услуби ва имижси. Ишга доир этика ва этикет. Бошқарув меҳнатини ташкил этиш. Бошқарув меҳнати: таърифи, хусусиятлари, турлари. Бошқарув меҳнатини илмий ташкил этиш. Раҳбарнинг ўзини-ўзи бошқариши. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш. Меҳнат жамоаларида ходимларни бошқариш. Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш босқичлари. Таъсир ўтказиш ва ҳукмронлик. Низоларни бошқариш. Ходимларни бошқариш. Корхона салоҳиятини бошқариш. Корхона салоҳиятини бошқариш технологияси. Корхона салоҳиятининг рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари.

#### 7.5.3.10. Маркетинг:

Маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти. Маркетингнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари. Маркетинг назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Замонавий маркетинг тушунчаси. Маркетинг тамойиллари, вазифа ва функциялари. Маркетинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш. Ахборот турлари ва уларни туркумлаш. Ички ва ташқи ахборот. Бирламчи ва иккиламчи ахборот. Ахборот тўплаш услублари. Маркетингнинг таркибий тузилиши. Тармоқ маркетинги. Товар ва хизматлар маркетинги. Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги. Микромаркетинг ва макромаркетинг. Халқаро маркетинг. Маркетинг дастури ва унинг асосий бўлимлари. Маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш, унинг мақсади ва вазифалари. Маркетинг назорати турлари. Бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш ва башорат қилиш. Бозорни сегментлаш ва унинг турлари. Бозорни сегментлашнинг асосий тамойиллари. Мақсадли сегментни танлаш. Маркетингда товар ва товар сиёсати. Товарлар рақобатбардошлигини баҳолаш услублари. Товарларнинг ҳаётийлик даври ва уларнинг асосий бўгинлари. Товарнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Маркетингда нарх ва нарх сиёсати. Нархни таҳлил этиш ва башорат қилиш услублари. Нарх даражасини ҳисоблаш услублари. Товарларнинг "ҳаётийлик даври" мобайнида нархларнинг ўзгариши. Янги товарларга нарх ўрнатиш. Маркетингда сотиш сиёсати. Чакана савдо, улгуржи савдо. Воситачини танлаш. Таксимот каналлари. Социалнинг



янги турлари ва шакллари. Сотиш харажатлари тахлили. Маркетингда коммуникация сиёсати, унинг моҳияти, мазмуни ва мақсади. Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш. Маркетинг коммуникацияси комплекси. Маркетинг коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш.

#### 7.5.3.11. Пул, кредит ва банклар:

Пулнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни. Пулнинг функциялари. Пул муомаласи қонунлари. Кредит пуллар ва уларнинг замонавий шакллари. Пул тизими тушунчаси, унинг элементлари ва турлари. Пул агрегатлари. Пул назариялари. Пулнинг металл назарияси. Пулнинг номинал назарияси. Пулнинг миқдорий назарияси. Замонавий монетаризм. Суда капитали ва кредитнинг иқтисодий асослари. Кредит функциялари, шакллари ва турлари. Кредит тизими: моҳияти, тузилиши, турлари. Кредит назариясининг асосий йўналишлари. Молия: моҳияти ва функциялари. Молия тизими ва унинг бўғинлари. Давлат бюджети тизими, функциялари ва тузилиши. Корхона молиясини ташкил қилиш асослари. Солиқлар ва солиқ тизими. Банк тизими турлари, операциялари ва функциялари. Марказий банк. Пул-кредит сиёсати ва инструментлари. Инфляция: моҳияти, пайдо бўлиш шакллари. Инфляция турлари. Пул ислохотлари. Қимматли қоғозлар: умумий тушунчаси ва турлари. Қимматли қоғозлар бозори. Фонд биржалари ва уларнинг функциялари. "Тошкент РФБ" ва унинг функциялари. Валюта муносабатлари ва валюта тизими. Халқаро ҳисоб-китоблар. Халқаро кредитлар. Тўлов баланси. Сугурта: иқтисодий моҳияти, функциялари, шакллари. Ўзбекистон Республикаси сугурта қонунчилиги.

#### 7.5.3.12. Бухгалтерия ҳисоби:

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб тизими тўғрисида тушунча; ҳисобининг турлари; бухгалтерия ҳисобининг предмети, объекти ва вазифалари; бухгалтерия ҳисобининг усуллари; бухгалтерия балансининг тузилиши; хўжалик операциялари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар; пул маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китоблар ҳисоби; касса операцияларининг ҳисоби; банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счёти ва махсус счёتلарнинг ҳисоби; материаллар ҳисоби, уларни туркумлаш ва баҳолаш усуллари; материаллар инвентаризацияси; асосий воситаларни тан олиш, туркумлаш ва баҳолаш тартиби; асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш; асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби; асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари; асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби; асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби; номоддий активлар ҳисоби; номоддий активларни баҳолаш; номоддий активларнинг аналитик ҳисоби; меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва турлари; меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш; иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби; меҳнат таътили захиралари ва тўловлари ҳисоби; харажатларни тан олиш ва туркумлаш; ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни тақсимлаш; маҳсулот таннархи таркиби ва турлари; таннархни меъёрий, жараёنли, бўлинмалли, буюртмалли, оддий ҳисоблаш усуллари; ҳақиқий таннархни ҳисоблаш; давр харажатлари ҳисоби ва уларнинг тақсимлаш усуллари; тайёр маҳсулотлар ҳисоби; маҳсулотни сотишда баҳо ўрнатиш тартиби; маҳсулот сотишни ҳисобга олиш; хусусий капитал, унинг таркиби (устав, қўшилган, резерв); капитал ҳаракатини ҳисобга олиш; тақсимланмаган фойда ҳисоби; мажбуриятлар ҳисоби; молиявий натижаларни аниқлаш тартиби; асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби; умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби; солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби; соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби; фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш тартиби; молиявий ҳисобот ва унинг таркиби, бухгалтерия баланси; молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот; пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар; молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга таъсир этувчи омиллар.

#### 7.5.3.13. Иқтисодий таҳлил ва аудит:

Иқтисодий таҳлилнинг ривожланиш тарихи, фан сифатида шаклланиши, унинг предмети, вазифалари ва мазмуни. Иқтисодий таҳлилнинг методи ва унда қўлланиладиган анъанавий усуллар. Иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил



ишларини ташкил этиш. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил қилиш усуллари. Аудитнинг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти ва уни тартибга солиш. Аудиторлик фаолияти стандартлари ва аудитнинг услубияти. Аудиторлик текширувини тайёрлаш. Аудиторлик текширувининг стратегияси. Аудитнинг технологияси. Товламачилик ва хато. Аудиторлик текширувини яқунланиши, аудиторлик хулосаси.

#### 7.5.3.14. Молия:

Молия ва солиққа оид муносабатлар юзага келиши, уларга оид илмий-назарий қарашлар. Молиянинг моҳияти, унинг турлари ва функциялари. Давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси, уй хўжаликлари молияси ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш тартиби. Давлат бюджети ва унинг таркиби. Бюджет жараёни: тузиш, тасдиқлаш, ижро этиш ва ҳисоботни тасдиқлаш. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар лойиҳасини тузиш ва уни молиялаштириш тартиби. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг даромад манбалари ва харажат йўналишлари. Бюджет сиёсати ва уни амалга ошириш босқичлари. Молиявий назорат ва уни ўтказиш тартиблари. Халқаро молия муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари.

Солиқларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари. Солиққа тортиш тамойиллари ва элементлари. Солиққа тортиш тартиблари ва усуллари. Солиқ механизми. Солиқ сиёсати: стратегияси, тактикаси ва концепцияси, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари ва амалга ошириш тартиби. Солиқ тизими: умумдавлат ва маҳаллий солиқлар; эгри ва тўғри солиқлар; ресурс солиқлари. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби. Солиқ ҳисоботи шакллари ва уларни тақдим этиш муддат ва қоидалари. Солиқ текширувлари ва уларни амалга ошириш тартиблари. Солиқ ва молия тизими амалиётида қўлланиладиган дастурий маҳсулотлар ва махсус компьютер дастурларини қўллаш тартиби. Халқаро солиққа тортиш муносабатлари. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш бўйича дипломатик муносабатлари. Солиқ тўловлари ва бюджет харажатларини тақсимлаш бўйича маҳаллий ҳокимиятлар, статистика, солиқ ва молия органлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларни мувофиқлаштириш тартиби.

#### 7.5.3.15. Инвестицияларни баҳолаш:

Инвестицияларнинг моҳияти ва мазмуни. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестицияларни баҳолашнинг моҳияти. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш. Инвестиция турлари. Инвестиция фаолиятига тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ва субъекти. Молиявий инвестициялар ва уларни баҳолаш усуллари. Реал инвестициялар. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва уларнинг хусусиятлари. Портфель инвестициялар ва уларни баҳолаш тизими. Глобаллашув ҳамда иқтисодий интеграциялашувнинг кучайиб боришида инвестиция жараёнлари. Инвестиция жараёнининг асосий категориялари таснифи ва иқтисодий моҳияти. Протекционизм сиёсати билан ҳимоя қилинган иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция жараёнлари: ижобий ва салбий томонлари. Инвестиция жараёнларини бошқариш моделлари. Хорижий инвесторлар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий асослар. Кўп томонлама халқаро конвенциялар ва келишувлар. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш. Инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш стратегияси. Инвестицияларни баҳолашнинг чет эл тажрибаси. Инвестицияларни жалб қилишнинг стратегик ва тактик усуллари. Лизинг ва франчайзинг. Инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини таҳлил этиш. Инвестиция лойиҳалари ва уларни баҳолаш. Инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг ўрни. Инвестицияларни



сугурталашнинг моҳияти. Инвестицияларни сиёсий ва бошқа хавф-хатарлардан сугурталаш. Инвестицияларни сугурталаш билан шугулланувчи ташкилотлар. Инвестицияларни бошқаришда таваккалчилик. Сиёсий ва валюта айирбошлаш таваккалчилиги. Инвестицияларни жалб қилиш, йўналтириш ҳамда ўзлаштиришда таваккалчиликни камайтириш ёки олдини олиш. Таваккалчиликни ҳисоблаш усуллари. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни жалб этиш йўналишлари.

#### 7.5.3.16. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари:

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ва амалга ошириш услублари. Иқтисодиётни тартибга солишнинг классик, монетаристик ва кейнсча назариялари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш мақсадларининг шаклланиши. Ижтимоий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солиш услублари. Давлат бюджети ва бюджет сиёсати. Солиқ тизими ва солиқ сиёсати. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усуллари. Меҳнат ресурслари бандлиги даражасининг давлат томонидан тартибга солиниши. Инвестицион жараёнлар ва фан-техника тараққиётининг давлат томонидан тартибга солиниши. Давлатнинг рақобатни ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати. Тармоқлараро комплексларни тартибга солиш бўйича давлат сиёсати. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлатнинг тартибга солиш услублари. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг давлат томонидан тартибга солиниши. Молия тизими ва давлатнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш сиёсати. Ҳозирги шароитда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрнига қарашларнинг ўзгариши. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодий сиёсатнинг таркибий тузилиши, мақсадлари, уни самарали амалга ошириш босқичи ва воситалари. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш услубларининг хусусиятлари, ўзаро боғлиқлиги ва амалиётда қўллаш соҳалари. Иқтисодий вазиятларни таҳлил қилиш ва истикболни белгилаш. Истикболни белгилашнинг турлари ва асосий услублари. Иқтисодий сиёсатни асослашда ташқи шароитларнинг ўрни. Демографик тараққиёт, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларини дастурлаш.

#### 7.5.3.17. Бизнес режалаштириш:

Бозор иқтисодиёти ва бизнес. Бизнес – бозор иқтисодиётининг устувор соҳаси. Бизнес ва аҳоли бандлиги. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлашнинг объектив зарурати. Режалаштириш ва прогнозлашнинг мақсади ва вазифалари. Прогнозлашнинг иқтисодий аҳамияти. Режалаштириш ва прогнозлашнинг меъёрий асослари. Корхона фаолиятида бизнес-режалаштириш. Корхона ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти режалаштириш объекти сифатида. Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини режалаштириш ва тартибга солиш. Корхонада бизнес режанинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Бизнеснинг ахборот асослари. Корхонанинг бизнес-режаси. Бизнес-режанинг моҳияти ва аҳамияти. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Корхона миссияси ва мақсадларини аниқлаш. Бизнес-режанинг тузилмаси. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги. Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқариш. Бизнес-режани ресурслар билан таъминланганлиги. Бизнесни сугурталаш. Корхона тавсифи ва уни баҳолаш. Бизнес-режанинг қисқача мазмуни (резюме). Корхонанинг тармоқ ва бозордаги мавқени таҳлил қилиш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил этиш. Корхонани баҳолаш. SWOT-таҳлилни амалга ошириш. Корхона маҳсулотининг тавсифи. Корхона маҳсулотининг комплекс тавсифномаси ва баҳоланиши. Маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичлари. Маҳсулотни баҳолаш усуллари. Товарнинг кучли ва заиф томонлари. Товарнинг ҳаётийлик даври. Маркетинг режасининг моҳияти ва функциялари. Маркетинг стратегияси. Товар сиёсати. Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабининг ўрганиш. Баҳо сиёсати. Маҳсулотни бозорга чиқариш стратегияси.



Коммуникатив сиёсат ва маркетинг бюджети. Ишлаб чиқариш режаси таркиби ва кўрсаткичлар тизими. Ишлаб чиқариш дастури. Ишлаб чиқариш режасининг ишлаб чиқариш қувватлари билан асосланиши. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги. Моддий захиралар ҳажмини аниқлаш. Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш. Ташкилий режанинг вазифаси ва асосий қондалари. Бошқарувни ташкил этиш. Ташкилий қарорлар ва бошқарув. Кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш. Кадрларга эҳтиёжни режалаштириш. Молиявий режанинг моҳияти ва асосий бўлимлари. Корхонанинг тўловга қобиллиги ва амалий фаоллиги асосий кўрсаткичлари. Даромад ва харажатларни режалаштириш. Даромад ва харажатлар баланси. Корхонанинг пул оқимлари, башорат баланси ва зарар кўрмаслигини режалаштириш. Зарарсизлик нуктаси. Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш. Вақт бўйича пул қиймати. Инвестициялашда оддий фонзлар ва мураккаб фонзлар. Инфляцияни баҳолаш. Инфляция мукофоти. Бизнес-режани амалга ошириш учун инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти.

#### 7.5.3.18. Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти:

“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари. Давлат дастурининг институционал ислохотлардаги ўрни ва аҳамияти. Институционал назариянинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Институционализмнинг методологик асослари. Неоинституционализмнинг асосий йўналишлари. Д. Норт, Т. Веблен ва Ж. Коммонсларнинг институционал концепциялари. “Институт” ва “норма” тушунчалари. Расмий ва норасмий нормалар. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Институционал матрица. Институционал ўзгаришлар ва институтлар ривожланиши. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Нэшу, Штакелбберг ва Парето бўйича мувозанат турлари. Ўзаро харажатлар моделлари классификацияси. Такрорланувчи ўйинлар ва уларнинг моҳияти, моделлари. Режа институти ва унинг асосий қонуни (конституцияси). Режали иқтисодиёт фаолият кўрсатиши ва унинг меъёрлари. Бозор конституцияси. Оддий ва мураккаб утилитаризм тушунчалари. Ахборотлар асимметрияси ва уни бозор шароитида намоён бўлиши. Сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категориялари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. Трансакциялар тушунчаси ва унинг аҳамияти. Коуза теоремаси. Трансакцион харажатлар таркиби, келиб чиқиш шартлари ва аҳамияти. Трансакция харажатларини таҳлил қилишга ёндашувлар ва уларни камайтириш воситалари. Трансакцион харажатлар классификацияси ва улар кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари. Ўзбекистонда трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси.

Ташқи самаралар таърифи ва унинг классификацияси. Мулкчилик шаклларининг таснифланиш белгилари. Мулкчилик институти ривожланишининг Европа ва Осиё мамлакатларида таркиб топган йўллари. Мулкчилик муносабатларида мулкка эгалик қилиш ролини ўзгариши. Мулк шаклларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари.

Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари. Хуфёна иқтисодиёт кўламини баҳолашга ёндашувлар ва уларнинг кўрсаткичлари. Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юртишининг оқибатлари. Мулк ҳуқуқлари назарияси ва унинг асосий қондалари. Оноре рўйхати. Мулкчилик таърифи ва шакллари. Мулкчилик муносабатларини амалга ошириш шакллари. Ўзбекистон қонунчилигида мулк шакллари, мулк ҳуқуқлар ва улар тақсимоли таҳлили. Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси. Модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. Бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Шартнома тушунчаси ва уни бозор иқтисодиётдаги ўрни. Шартномалар таркиби ва уларнинг асосий шартлари. «Принципнал» ва «агент» тушунчаси. Шартнома доирасида «буйортмачи» ва «бажарувчи» муносабатлари ва улар ўртасидаги чегаралар. Фирма ва унинг турлари. Фирманинг ички тузилмаси. Замонавий корпорациялар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари. Интеграциялашган корпоратив тузилмалар ва уларнинг гуруҳлари. Трансакция харажатларини таҳлил этиш. Ташкилий тузилмаларни таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари. Давлат институционал ташкилот сифатида функциялари ва



вазифалари. Давлатнинг мулк муносабатларидаги ўрни, давлат ва хусусий мулк чегаралари. Давлатлар типлари ва улар фаолият юртишининг ўзига хос жиҳатлари.

Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари. Уй хўжалигини инсон капитални ривожлантириш функциялари. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юртиши ва унинг функциялари. Ривожланиш назариясининг неоклассик варианты. Дж.М. Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси. Инновацияларни классларга ажратиш. Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили. Институционал ва ташкилий инновациялар устуңлиги.

Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари. Ижтимоий сиёсатнинг тушунчаси, унинг таркибий қисмлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш. Ижтимоий соҳага хос хусусиятлари. Ижтимоий соҳанинг асосий тармоқларида давлат ва бозорнинг роли. Ўзбекистон аҳолисини химоя қилиш ва ижтимоий тизимни ривожлантириш. Аҳолини химоялаш тизимини яратиш бошқичлари ва йўналишлари. Ижтимоий соҳанинг асосий тармоқларида жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида давлат ва бозор механизмининг роли. Бозор механизми ва давлат бошқарувининг бириктирилиши ва такомиллаштирилиши. Республикада ижтимоий соҳани молиялаштириш. Ижтимоий соҳани молиялаштириш тизимининг асосий бўғинлари. Солиқ механизми ва ижтимоий соҳа. Ижтимоий соҳани молиялаштиришда жамоат ташкилотлари ва ижтимоий фондлар. Ижтимоий соҳа тармоқларини ривожланишида хомийликнинг роли. Ижтимоий соҳада баҳоларнинг роли. Ижтимоий соҳани тартибга солишда нобаҳо воситаларининг аҳамияти. Ижтимоий ва маҳаллий неъматларни бир – бирига солиштириш зарурияти. Ташқи (экстернал) самараларни но тижорат секторида ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни баҳоларга трансформация этиш учун баҳолаш механизмини қўллаш. Солиққа тортиш механизмининг функциялари. Солиқ тизимини тамойиллари: соддалик, ошқоралик, эгилувчанлик, самарадорлик ва ҳаққонийлик. Лаффер эгри чизиги. Ижтимоий соҳадаги меҳнатнинг хусусиятлари. Ахборот – коммуникация технологияси ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий қилиш. Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришда бюджет ва нобюджет манбалари. Инсоний капитали ривожланишининг баҳоси ва йўналишлари. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибини аниқлаш. Инсон капиталини ижтимоий-иқтисодий тизимдаги ўрни. Инсоний капитал ривожланишининг ижтимоий кўрсаткичлари. Соғлиқни сақлаш моделлари ва уларнинг асосий жиҳатлари. Даромадлари юқори мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш моделлари. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси. Ривожланаётган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш моделлари. Ўзбекистон Республикасида уй-жой, коммунал хўжалик тармоғини бошқариш тизими. Бу тармоқни ривожланишини тартибга солишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ўсиши. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида ижтимоий химояни тартибга солишнинг назарий асослари. Даромадларни қайта тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги муаммолар. Пулли трансферларини қўллаш зарурияти. Камбағалликни осонлик билан бартараф этиш учун самарали ёрдам. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида муҳтож шахсларга ёрдам бериш тажрибаси. Ижтимоий сугурта хизматларини кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиши. Уларнинг минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишдаги роли ўсиши. Спорт ўйинларини ривожлантириш орқали таълим тизимидаги ўзгаришлар. Спорт мусобақаларини ташкил этиш. Маданий соҳани ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни кенгайтириш. Ўзбекистон Республикасида маданий меросни ривожлантириш орқали туризм хизматларини шакллантириш.

#### 7.5.4. Иқтисослик фанлари блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари

##### 7.5.4.1. Аграр ислохотлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги:

“Аграр ислохотлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг мазмуни, предмети, методи ва вазифалари. Ўзбекистон аграр ислохотларининг асосий йўналишлари. Аграр



ислохотларни амалга ошириш механизми ва омиллари. Аграр ислохотлар самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий ва услубий ёндашувлар. Иктисодий ривожланган мамлакатларнинг аграр ислохотлари ва озик-овқат хавфсизлик сиёсати. Озик-овқат хавфсизлиги-миллий озик-овқат маҳсулотлари бозорининг стратегияси. Озик-овқат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш - озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш асоси. Озик-овқат хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. Озик-овқат хавфсизлиги омиллари ва агросаноат секторини ривожлантириш. Озик-овқат хавфсизлиги ва меъёрий овқатланишнинг ижтимоий-ташкилий асослари. Жаҳон мамлакатларида озик-овқат хавфсизлиги.

#### 7.5.4.2. Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти:

Фаннинг предмети, мақсади, вазифаси, усуллари ва аҳамияти. Жаҳон, республика қишлоқ хўжалиги, унинг жойлашиши, иктисослашиши, кооперациялашуви, уларнинг ривожлантирилиши. Республика агросаноат мажмуаси ва унинг ривожланиши. Бозор иктисодиётига ўтишда қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлиги ва амалга оширилаётган аграр-иктисодий ислохотлар. Қишлоқ хўжалигида мулк ва тадбиркорлик шакллари. Мулкрий ислохотлар. Ер-сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари. Қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма воситалари, улардан самарали фойдаланиш. Меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги. Инвестициялар, уларнинг иктисодий самарадорлиги. Қишлоқ хўжалигида сервис, уни ривожлантириш йўллари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлар, уларни камайтириш йўллари. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг тақсимланиши ва кўпайтириш йўллари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳолари, уларнинг такомиллаштирилиши. Корхоналарнинг даромадлари, фойдалари, уларнинг тақсимланиши. Ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлиги. Ўсимликчилик тармоқлари иктисодиёти. Ғаллачилик иктисодиёти. Пахтачилик иктисодиёти. Картошқаччилик иктисодиёти. Сабзавотчилик иктисодиёти. Меваччилик иктисодиёти. Узумчилик иктисодиёти. Озуқа экинлари иктисодиёти. Чорваччилик тармоқлари иктисодиёти. Қорамолчилик иктисодиёти. Кўйчилик иктисодиёти. Паррандачилик иктисодиёти. Пиллачилик иктисодиёти. Балиқчилик иктисодиёти. Асалариччилик иктисодиёти.

#### 7.5.4.3. Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро иктисодий муносабатлари:

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида "Қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро иктисодий муносабатлари" фаннинг предмети, методи ва вазифалари. Иктисодий муносабат субъектлари ва уларнинг таркиби. Иктисодий муносабат субъектлари фаолиятини модернизациялаш, унинг мазмуни ва моҳияти. Тармоқ тушунчаси ва таркиби. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, таркиби ва ташкилий тузилмаси. Агросаноат мажмуасининг халқ хўжалиги аҳамияти ва унинг тармоқларини ривожлантириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотлар жараёнининг моҳияти ва асосий йўналишлари. Қишлоқ хўжалиги ва оғир саноат тармоқлари ўртасидаги иктисодий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалиги билан енгил ва озик-овқат саноати тармоқлари ўртасидаги иктисодий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма тармоқлари ўртасидаги иктисодий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш. Агросаноат мажмуаси тармоқлари билан давлат, турли молиявий ташкилотлар ўртасидаги иктисодий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш. Ишлаб чиқариш ресурсларининг иктисодий моҳияти. Ресурслар ва ишлаб чиқариш салоҳияти. Қишлоқ хўжалигида ер муносабатлари. Ерларни иктисодий баҳолаш ва ердан фойдаланиш самарадорлиги. Меҳнат ресурслари тушунчаси ва таркиби, улардан агросаноат мажмуаси тармоқларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бандлик ва ишсизлик. Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишчи кучи бозори ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Агросаноат мажмуаси асосий воситаларининг иктисодий моҳияти ва уларни баҳолаш. Асосий воситаларнинг эскириши ва уларни такрор ишлаб чиқариш. Асосий воситалар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Айланма воситалар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Агросаноат мажмуасининг асосий ва айланма воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.



Моддий-техника ресурслари бозори. Инвестиция тушунчаси, таркиби ва молиялаштириш манбалари. Инвестициянинг иқтисодий самарадорлиги. Муқобил инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш. Капитал маблағлар иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. Фан-техника тараққиёти тушунчаси ва асосий йўналишлари. Агросаноат мажмуасида инновацион фаолият. Агросаноат мажмуаси тармоқларини самарали жойлаштиришнинг асосий омиллари. Оғир саноат тармоқларини жойлаштириш. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш. Озиқ-овқат саноати тармоқларини жойлаштириш. Енгил саноат тармоқларини жойлаштириш. Агросаноат мажмуаси тармоқларини ихтисослаштириш ва концентрациялаш. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш. Интеграция тушунчаси. Интеграцияни шакллантиришнинг таснифи. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари. Агросаноат интеграцияси. Маҳсулот таннархининг иқтисодий моҳияти. Саноат маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари калькуляцияси ва таннархни ҳисоблаш. Қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархни калькуляцияси ва уни ҳисоблаш. Инфратузилма тармоқларида хизматлар таннархини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Агросаноат мажмуасида маҳсулот таннархини пасайтириш омиллари ва имкониятлари. Баҳонинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларининг шаклланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш. Қайта ишлаш маҳсулот баҳоларининг шаклланиш механизми. Инфратузилма тармоқларида кўрсатиладиган хизматлар баҳолари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти. Агросаноат мажмуаси иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш услубияти. Агросаноат мажмуасида самарадорликни ошириш йўллари. Агросаноат мажмуасида такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти, турлари ва хусусиятлари. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва типлари. Иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллари. Агросаноат мажмуаси маркетинги ва унинг самарадорлиги. Иқтисодий механизмлар тушунчаси ва унинг элементлари. Агросаноат мажмуасини давлат томонидан бошқариш, қўллаб-қувватлаш. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигини молиявий ресурслар билан таъминлаш манбалари. Саноат тармоқларини кредитлаш тартиби ва манбалари. Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларини кредитлаш тартиби ва манбалари. Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбалари ва улардан самарали фойдаланиш. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш. Ишлаб чиқаришнинг экологик-иқтисодий самарадорлиги. Табиатдан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш механизми. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашнинг аҳамияти, ҳолати ва самарадорлиги. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш тенденциялари ва ҳозирги ҳолати. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. Тармоқлараро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда хориж тажрибаси.

#### 7.5.5. Танлов фанлари

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.*

#### 7.5.6. Малака амалиёти

##### *Ишлаб чиқариш амалиётида:*

Ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда мустақамлаш, корхонада ташкилотчилик, маънавий-маърифий йўналишларда билимларини мустақамлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий жиҳатдан тузилмаси, вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ихтисослиги ва йўналишларини ўрганиш, корхоналарининг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил этиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллайдилар.



**Битирув иши олди амалиётида:**

Кишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, иктисодий ва молиявий таҳлиллар ўтказиш, ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш, корхоналарнинг рақобатбардошлик ҳолатини таҳлил этиш, товар, ишлаб чиқариш, самарадорликни ошириш бўйича стратегик қарорлар қабул қилиш, кишлоқ хўжалиги корхоналари стратегияларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил этиш, стратегик режалар тузиш бўйича амалий кўникмаларни эгаллайдилар.

Битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; кишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер, ширкат, дехкон хўжаликлари) ва ташкилотларнинг иктисодий фаолиятини таҳлил этиш ҳамда ривожлантириш йўлларини аниқлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш.

**7.5.7. Битирув иши**

Битирув малакавий иши талаба томонидан бажариладиган илмий изланиш якуни бўлиб, унда талаба ўқиш даври мобайнида олган назарий билимлари, амалий дарсларни қандай даражада ўзлаштирганлигини, шу билан биргаликда ўз ихтисослиги бўйича меҳнат фаолияти учун тайёргарлик даражасини намоён этади.

Битирув малакавий иши бакалавриятнинг мазкур йўналишига давлат таълим стандартларида қўйилган талабларга, кишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасининг ривожланиш истикболларига ва мамлакатимиз ҳукуматининг аграр сиёсати ва бу соҳада олиб бораётган иктисодий ислоҳотлари мазмунига мос келиши лозим.

**8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар****8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар**

**8.1.1.** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иктисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларига эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иктисодиёт, технология ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиланган туришга мажбур.

**8.1.2.** Бакалаврият дастурини ишлаб чиқишда ОТМнинг битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил этиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга мажбур.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашишга мажбур.

**8.1.3.** Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларини ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, усул ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиш керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказиладиган машғулотларнинг сўлуши дастурининг



асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 55,5 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 44,5 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

**8.1.4.** Талабалар ўқув юкларининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни иноватта олган ҳолда шакллантиришда реал иштирак этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**8.1.6.** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан (модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

## **8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши**

**5230100 – Иқтисодийёт (қишлоқ хўжалиги)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малака амалиётлари замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестациясидан (гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) ўтказилади ва битирув ишини ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин ўтказилади.

## **8.3. Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари**

Амалиётлар бакалаврият асосий таълим дастурининг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Талабалар ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, корхонада ташкилотчилик, маънавий-маърифий йўналишларда билимларини мустаҳкамлайдилар, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий тузилмаси, вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ихтисослиги ва йўналишларини, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганадилар ҳамда таҳлил қиладилар.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режасида белгиланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари - раҳбарлари ва ташкилот вакиллари билан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот берадилар. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Битирув олди малакавий амалиётда талабалар битирув малакавий иши учун маълумотлар тўплайдилар, корхона (фермер, ширкат, деҳқон хўжаликлари) ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қиладилар ҳамда тармоқни ривожлантириш бўйича тавсиялар берадилар.



Талабанинг илмий тадқиқот иши амалиётнинг таркибий қисмини ташкил қилиши мумкин. Илмий тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустақамлашга қўмаклашади. У битирувчини 8 семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этиши, курс ишларини касбий (махсусдаврнинг асосий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабаларнинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этиши ва битирув малакавий ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутати.

Талабалар илмий тадқиқот ишини ташкил этиш учун қуйидаги шарт-шароитлар таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

- мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда ўқиётганларни иш жойи билан таъминлаш;

- ОТМнинг АРМида мустақил илмий тадқиқот ишини олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил этиш;

- талабалар илмий конференцияси голибларига мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

#### 8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва қўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шугулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

#### 8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-услубий хужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва кутубхона фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий даврнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иктисодий даврнинг асосий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма даврларнинг асосий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМида таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув- услубий қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT  
KAZURATI VA RUYOFIQLASHTIRISH VA  
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI  
JURIT ETISH BO'YICHA



Ўзбекистон Республикасидаги ва хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

**5230100–Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)** таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналтирилганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш асосидаги педагогик технологиялар;
- табакалаштирилган ўқитиш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий ҳужум, ассоцнограммалар методи ва х.к.).

#### **8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар**

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ҳамда курс иши, амалий ва илмий тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (оқим ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машгулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машгулотларида кўргазмалар материалларни намойиш қилиш учун турли хил техник воситалар билан;
- амалий машгулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;
- семинар машгулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

### **9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш**

**9.1.** Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

**ички назорат** ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

**яқуний давлат назорати** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши химоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибларда амалга оширилади;



**давлат-жамоат назорати** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

**ташқи назорат** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

